

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

44-сон
(1168)
2024 йил
ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

380. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ерни ва ер ости бойликларини асраб қолишга ҳамда муҳофаза қилишга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 28 октябрдаги ЎРҚ–984-сон Қонуни

381. «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 28 октябрдаги ЎРҚ–985-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

382. «Навоий давлат университетини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 31 октябрдаги ПҚ–378-сон қарори

Учинчи бўлим

383. «Маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 28 октябрдаги 712-сон қарори
384. «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қошидаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 29 октябрдаги 713-сон қарори

Бешинчи бўлим

385. O‘zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligining 2024-yil 30-sentabrdagi 6-son, Bosh prokuraturasining 2024 йил 27-sentabrdagi 55-QQ-son “Korrupsiyaga qarshi kurashish virtual akademiyasi” elektron platformasida o‘qitishni tashkil etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 30-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3565*)
386. O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2024-yil 24-oktabrdagi 15-2024/B-son “Paxta tozalash ishlab chiqarishi xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarining 49-bandiga o‘zgartirish kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 31-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1983-4*)
387. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил 23 сентябрдаги 178-сон, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг 2024 йил 13 сентябрдаги 2024-17-сон “Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3566*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

380 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ерни ва ер ости бойликларини асраб қолишга ҳамда муҳофаза қилишга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
31 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 28 августда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда ерни ва ер ости бойликларини асраб қолиш ҳамда муҳофаза қилиш, шунингдек ер участкаларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга фойдали қазилмаларни рухсатномасиз қазиб олиш, хусусан, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг қонунга хилоф равишда қазиб олинишига чек қўйиш мақсадида мазкур қилмишларни содир этганлик учун жавобгарликни кучайтириш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимчалар киритилиб, фойдали қазилмаларни қонунга хилоф равишда қазиб олишни шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин такрор содир этганлик учун, шунингдек фойдали қазилмаларни олтин изловчилар усулида рухсатномасиз қазиб олганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида қурилиш ишларини амалга ошириш, шунингдек ер бериш тартибини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга нисбатан маъмурий баённома тузиш юзасидан ички ишлар органларига зарур ваколатлар берилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун ерни ва ер ости бойликларини асраб қолиш ҳамда муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини, шунингдек мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини таъминлашга хизмат қилади.

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 28 октябрда эълон қилинган.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 111-модда, № 3, 245-модда) қуйидаги мазмундаги **196¹** ва **196²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«196¹-модда. Фойдали қазилмаларни рухсатномасиз қазиб олиш

Фойдали қазилмаларни рухсатномасиз қазиб олиш, бундан ер ости сувлари ва дарёлар ўзанларида жойлашган фойдали қазилмалар мустасно, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

196²-модда. Фойдали қазилмаларни олтин изловчилар усулида рухсатномасиз қазиб олиш

Фойдали қазилмаларни олтин изловчилар усулида рухсатномасиз қазиб олиш, бундан ер ости сувлари ва дарёлар ўзанларида жойлашган фойдали қазилмалар мустасно, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-мод-

далар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 6, 575-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185-моддалар, № 4, 265, 269-моддалар, № 5, 319-модда, № 9, 713-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 115-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимча киритилсин:

1) **345-модданинг бешинчи қисмидаги** «193 — 197» рақамлари «193 — 196-моддаларида, 196¹-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 196²-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 197-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **381²-модда биринчи қисмининг 1-банди** «186²-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлардан кейин «196¹-моддаси биринчи қисмида, 196²-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 246-моддалар) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **70²-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фойдали қазилмаларни рухсатномасиз қазиб олиш, бундан ер ости сувлари ва дарёлар ўзанларида жойлашган фойдали қазилмалар мустасно, — маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли бўлган ашёни ёки маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёсини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан етмиш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «70²-моддасининг иккинчи қисмида» деган сўзлар «70²-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **248-модда тўртинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «56⁴, 63-моддаларида» деган сўзлар «56⁴-моддасида, 60-моддасининг иккинчи ва

учинчи қисмларида, 60¹, 63, 66-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **260¹-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«260¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясига ушбу Кодекснинг 70-моддасида (бундан ер қаъридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги қисми мустасно), 71-моддасида (бундан табиатни муҳофаза қилиш қоидалари мустасно), 72-моддасида (ер ости сувларига доир қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима солиш тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга қуйидагилар ҳақли:

инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосари — базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда;

минтақавий инспекциялар бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари — базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш бараваригача миқдорда;

инспекторлар — базавий ҳисоблаш миқдорининг элик бараваригача миқдорда.

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг мансабдор шахслари ушбу Кодекснинг 70²-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади ҳамда ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун юборади»;

5) **287-модда биринчи қисмининг 1-бандидаги** «58, 61-моддаларида, 61¹-моддасининг биринчи қисмида, 63, 70¹» деган сўзлар «58-моддаларида, 60-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 60¹, 61-моддаларида, 61¹-моддасининг биринчи қисмида, 63, 66, 70¹» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўл-

ган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 28 октябрь,
ЎРҚ-984-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

381 Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
16 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 20 сентябрда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда йўл ҳаракати қоидаларини янада такомиллаштириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга кичик ҳажмли электр двигателли транспорт воситалари ва индивидуал ҳаракатланиш воситаларининг оммалашуви туфайли улардан фойдаланиш билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўриш, шунингдек махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши факти тўғрисидаги маълумотни қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахсларга юборишнинг аниқ муддатларини белгилаш зарурати юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига кичик ҳажмли электр двигателли транспорт воситаларини ва индивидуал ҳаракатланиш воситаларини бошқариш вақтида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни белгилашни, шунингдек тез тиббий ёрдам ҳамда ёнғин-қутқарув бўлинмалари транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда содир этилган қоидабузарликлар юзасидан маъмурий ишларни ортиқча қоғозбозликни бартараф этиш мақсадида тугатиш тартиби жорий этилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилиши тўғрисидаги маълумот жарима солиш ҳақида қарор чиқаришга ваколатли бўлган шахсга қирқ саккиз соат ичида юборилмаган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш юритилмаслиги белгиланмоқда.

Ушбу Қонун йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга, шунингдек фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбе-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 28 октябрда эълон қилинган.

кистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 246-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **17¹-модда:**

бешинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тезкор ва махсус хизматларнинг транспорт воситалари, шунингдек улар кузатиб келаётган транспорт воситалари томонидан йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ имтиёздан фойдаланилган ҳолда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган тақдирда ҳамда улар кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажарганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда ҳайдовчиларнинг маъмурий қоидабузарлиги охириги зарурат ҳолатида содир этилган деб топилади ва маъмурий иш ушбу Кодекснинг 271-моддасига мувофиқ тугатилади. Бунда тез тиббий ёрдам ва ёнгин-кутқарув бўлинмаларининг транспорт воситалари томонидан кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажарганликни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши талаб қилинмайди»;

қўйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги маълумот жарима солиш ҳақида қарор чиқаришга ваколатли бўлган шахсга йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган пайтдан эътиборан қирқ саккиз соат ичида юборилмаган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ушбу Кодекснинг 271-моддасига мувофиқ тугатилади»;

олтинчи қисми еттинчи қисм деб ҳисоблансин;

2) **128-модда биринчи қисмининг диспозицияси** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини пиёдалар йўлқаларидан юргизиши, йўл белгилари ёки йўлнинг қатнов қисмидаги чизиклар билан белгилаб қўйилган талабларга риоя этмаслиги (бундан ушбу Кодекснинг 128³-моддасида, 128⁴-моддасининг биринчи қисмида, 128⁵, 128⁶ ва 130-моддаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно), одам ташиш, транспорт воситаларини қувиб ўтиш қоидаларини бузиши, юк автомобилларида йўлнинг четки чап қаторида ҳаракатланиши (бундан руҳсат этилган ҳоллар мустасно), йўналишли транспорт воситалари тўхтайдиган бекатлардан ёки пиёдалар ўтиш жойларидан юриш, ташқи ёритиш асбобларидан фойдаланиш қоидаларини бузиши, худди шунингдек йўловчига ёки пиёдаларга лойқа сачратиши»;

3) **136-модда учинчи қисмининг диспозицияси** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг скутерни, мопедни, велосипедни, индивидуал ҳаракатланиш воситасини, уловли аравани бошқариб бораётган шахс томонидан содир этилиши»;

4) **138-модда:**

биринчи қисмининг диспозицияси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Пиёдаларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаслиги, уларнинг йўлнинг ҳаракат қисмини белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиши, пиёдалар йўлнинг қатнов қисмида, шу жумладан пиёдалар ўтиш жойида ҳаракатланаётганда телефондан фойдаланиши, китобларни ёки даврий нашрларни ўқиши, видеоматериалларни томоша қилиши ҳамда аудиоматериалларни эшитиши, шунингдек эътиборни чалғитадиган бошқа электрон

воситалардан фойдаланиши, шунингдек скутерлар, мопедлар ва велосипедларни, индивидуал ҳаракатланиш воситаларини, уловли аравани бошқариб бораётган шахсларнинг ҳамда йўлдан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаслиги, устунлик берувчи, тақиқловчи ёки кўрсатма берувчи йўл белгилари талабларига риоя этмаслиги»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Белгиланган тартибда нур қайтаргичлар ва чироқлар билан жиҳозланмаган индивидуал ҳаракатланиш воситаларини, скутерлар, мопедлар, велосипедларни ҳамда уловли аравани бошқариш, шунингдек индивидуал ҳаракатланиш воситаларининг ва скутерларнинг ҳайдовчилари томонидан одамларни ташиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

бешинчи қисми олтинчи қисм деб ҳисоблансин;

олтинчи қисмининг диспозицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Скутер, мопед, велосипедни, индивидуал ҳаракатланиш воситасини, уловли аравани бошқариб бораётган шахснинг алкоғолли ичимлик, гиёҳвандлик моддаси таъсирида ёки ўзгача тарзда маст бўлган ҳолда йўл ҳаракати қоидаларини бузиши»;

5) **199-модда диспозициясининг ўзбекча матнидаги** «тиббий тез» деган сўзлар «тез тиббий» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **271-модда** қуйидаги мазмундаги **12** ва **13-бандлар** билан тўлдирилсин:

«12) йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган ҳолларда, транспорт воситасининг мулкдори тўғрисидаги маълумот мавжуд бўлмаса;

13) агар махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилиши тўғрисидаги маълумот жарима солиш ҳақида қарор чиқаришга ваколатли бўлган шахсга қирқ саккиз соат ичида юборилмаган бўлса»;

7) **283-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар фуқаро ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдирмаса ҳамда унга жойнинг ўзида солинадиган жарима миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан ошмаса, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайди. Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун маъмурий баённома, жарима миқдоридан қатъи назар, тузилади, бундан ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ушбу Қонун 1-моддасининг 3 ва 4-бандларида назарда тутилган индивидуал ҳаракатланиш воситалари рўйхатини бир ойлик муддатда тасдиқласин ҳамда уларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқсин ва қабул қилсин;

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 1-моддаси 1-бандининг бешинчи хатбошиси ва 6-бандининг учинчи хатбошиси ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

Ушбу Қонун 1-моддасининг 3 ва 4-бандлари ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан бир ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 28 октябрь,
ЎРҚ–985-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

382 Навоий давлат университетини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Бугунги кунда Навоий вилоятида иқтисодиёт тармоқларининг ўсиш суръатлари ҳамда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидан келиб чиқиб, аниқ ва табиий фанлар, ахборот технологиялари, иқтисодиёт, туризм, қишлоқ хўжалиги каби соҳалар бўйича юқори малакали кадрларга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Бу борада ҳудуднинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, республикада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгиланишларда олий таълим ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш ҳамда Навоий вилояти аҳолиси, аввало, ёшларининг талаб ва истакларини ҳисобга олиб, улар учун янада кенг имконият ва шароитлар яратиш мақсадида:

1. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Навоий вилояти ҳокимлигининг Навоий давлат педагогика институти негизида Навоий давлат университетини (кейинги ўринларда — Университет) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Университетнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

ҳудудда соҳа ва тармоқларнинг ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда замонавий билим ва малакага эга бўлган илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича узлуксиз таълим тизимини яратиш;

замонавий ўқув, илмий ва IT-лаборатория базасини яратиш, ушбу лабораторияларни илғор технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда илмий-инновацион тадқиқотлар трансферини амалга ошириш;

талабаларни илмий-инновацион фаолиятга кенг жалб этиш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришнинг долзарб йўналишлари бўйича илмий лойиҳаларни амалга ошириш, уларнинг натижаларини жорий этиш юзасидан илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

ўқув жараёнига халқаро таълим стандартлари, илғор таълим технологиялари ва усулларини жорий этиш, шунингдек, талабаларда мустақил таълим олиш, тизимли таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш;

етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари билан академик ва илмий

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 1 ноябрда эълон қилинган.

ҳамкорликни ривожлантириш, профессор-ўқитувчиларнинг хорижий илмий-амалий стажировкасини тизимли йўлга қўйиш;

талаба-ёшларда маънавий ва ахлоқий фазилатларни ривожлантириш, Ватанга муҳаббат, унинг тақдирига дахлдорлик, касбга садоқат ҳиссини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёни ҳамда маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) Навоий давлат педагогика институтида таҳсил олаётган барча талабалар ўқишларини Университетда давом эттиради ҳамда 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб битирувчи курс талабаларига Университет дипломи берилади;

б) Университет Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига идоравий жиҳатдан бўйсунди ҳамда Навоий давлат педагогика институтининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

в) Университетда 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб:

худудий ривожланиш дастурларига мувофиқ эҳтиёж юқори бўлган аниқ ва табиий фанлар, ахборот технологиялари, сунъий интеллект, иктисодиёт, бизнес ва туризм, инвестицияларни бошқариш, қишлоқ хўжалиги, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, логистика каби йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади;

дарс машғулотларини амалиёт билан бирга ташкил этиш мақсадида тегишли йўналишлар бўйича таълим жараёни дуал таълим шаклида йўлга қўйилиб, корхона ва ташкилотларда кафедра филиаллари ташкил этилади ҳамда таълим жараёнига узоқ йиллик меҳнат тажрибасига эга амалиётчи мутахассислар жалб этилади;

янги ташкил этилган таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича хорижий давлатлар ва республикадаги етакчи олий таълим ташкилотлари билан иккита диплом беришга асосланган қўшма таълим дастурлари йўлга қўйилади;

алоҳида гуруҳларда бакалаврият ва магистратура босқичларида таълим жараёни хорижий тилларда ташкил этилади ҳамда таълим дастурлари босқичма-босқич халқаро аккредитациядан ўтказишга тайёрланади.

4. Қўйидагилар:

2024 — 2027 йилларда Навоий давлат университетини комплекс ривожлантириш дастури 1-иловага* мувофиқ;

2026 — 2030 йилларда Навоий давлат университетининг ўқув ва илмий лабораториялари моддий-техника базасини яратиш дастури 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки, 2025 йил 1 январдан бошлаб Университетга академик, ташкилий-бошқарув ва молиявий мустақиллик берилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги «Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–60-сон ҳамда «Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тўғрисида»ги ПҚ–61-сон қарорларида белгиланган тартиблар Университетга татбиқ этилади.

6. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги «Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази» лойиҳа офиси билан биргаликда икки ой муддатда Университет фаолиятини такомиллаштириш ва таълим сифатини таъминлаш мақсадида хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда Университетда Трансформация марказини ташкил этсин.

Трансформация маркази қуйидаги масалалар юзасидан масъул этиб белгилансин:

Университетнинг таълим дастурларини халқаро таълим стандартларига мувофиқлаштириш;

Университетни дунёнинг энг нуфузли олий таълим ташкилотлари рейтингига киритиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва ижросини ташкил этиш;

Университет таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш ҳамда Университет дипломларининг хорижда тан олинишига эришиш;

таълим хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида Университет ўқув-услубий бўлинма ҳамда деканатлар штатларини мақбуллаштириш ҳисобидан Регистратор офиси фаолиятини йўлга қўйиш;

Университетнинг таълим, тадқиқот ва ахборот-кутубхона фаолиятларини ҳамда бошқарув жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш.

7. Навоий вилояти ҳокимлиги:

Университет талабаларининг малакавий амалиётлари ҳудудда жойлашган йирик корхона ва ташкилотларда ташкил этилишини таъминласин;

Университет мутахассислик кафедраларининг мос йўналишлари бўйича маҳаллий ва хорижий корхоналар билан ҳамкорлигини йўлга қўйишга кўмаклашсин;

маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ҳудудда жойлашган олий таълим ташкилотлари талабалари ва ёш тадқиқотчилар учун стартап лойиҳаларни молиялаштиришни йўлга қўйсин. Бунда асосий йўналиш сифатида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ёшлар бандлигини таъминлаш ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш белгилансин.

8. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

а) Университет илмий салоҳиятини ошириб бориш чорасини кўрсин ҳамда унинг халқаро ҳамкорлигини йўлга қўйишда, хусусан етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари билан қўшма таълим ва халқаро алмашинув дастурларини жорий этиш, хорижлик етакчи профессор-ўқитувчиларни Университетнинг таълим ва илмий-тадқиқот жараёнларига жалб этишга кўмаклашсин;

б) 2025 йил 1 февралга қадар:

Университетда жорий этиладиган янги таълим йўналишларини ҳисобга олган ҳолда унинг тузилмаси, штат бирликлари, факультет ва кафедраларини қайта кўриб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин;

хорижий талабаларни жалб этиш мақсадида «Study in Uzbekistan» плат-

формасида Университет бўлимини ташкил этсин ва уни сифатли маълумотлар билан тўлдирсин;

в) 2025 йил 1 июнга қадар Университетда талабаларнинг битирув ма-лакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларини кўчирмачиликка қарши текшириш (антиплагиат) механизмини жорий этсин.

9. Белгилансинки, Университет фаолиятини молиялаштириш:

Давлат бюджети маблағлари, тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар, хомийлик хайриялари ва грантлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2025 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

10. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов ҳамда Навоий вилояти ҳокими Н.Т. Турсунов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.К. Абдурахманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 31 октябрь,
ПҚ–378-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

383 Маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш, маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотларни аниқлаш ҳамда улар бўйича ахборот олиш тартибини такомиллаштириш орқали давлат харидларида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокини янада кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда — низом) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ариза бериш тартибида маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларни аниқлаш;

товарларнинг маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилганлигини аниқлаш бўйича экспертизадан ўтказиш;

маҳаллий ишлаб чиқарилган товар тўғрисидаги сертификатни расмийлаштириш;

товарларни маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилганлигини аниқлаш тизими ҳаққонийлигини таъминлашда жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

маҳаллий маҳсулотлар ва ишлаб чиқарувчилар реестрини юритиш тартиби.

2. Электрон кооперация портали ҳамда давлат харидлари электрон тизимлари операторларининг «Миллий дўкон» саҳифаларида маҳаллий ишлаб чиқарилган товар тўғрисидаги сертификат асосида маҳсулотларни жойлаштириш ва савдоларда фақат ушбу сертификатга эга тадбиркорлик субъектларининг иштирок этишини босқичма-босқич амалга ошириш муддатлари 2-иловага** мувофиқ белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Иқтисодиёт ва молia вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Статистика агентлиги, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, «Ўзбекэкспертиза» акциядорлик жамияти ҳамда тегишли манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг реестри, улар томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ва хом ашё, материаллар тўғрисидаги маълумотларни

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 1 ноябрда эълон қилинган.

** 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

юритиш бўйича интеграциялашган дастурий таъминот ишлаб чиқилиши ва ишга туширилишини;

интеграциялашган дастурий таъминотни манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари, шу жумладан, давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали ҳамда электрон кооперация портали билан ўзаро интеграция қилинишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тармоқ уюшмалари билан биргаликда:

тадбиркорларнинг маҳаллий ишлаб чиқарилган товар тўғрисидаги сертификатни олиш учун аризалари ва ишлаб чиқариш жараёнларини кўриб чиқиш жараёнларида тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш ва уларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини;

Маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни амалиётда қўллаш натижасида тадбиркорлик субъектларидан келиб тушадиган таклифлар асосида мазкур Низомни такомиллаштириб бориш тўғрисида таклифлар киритиб борилишини таъминласин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Рақамли трансформация марказининг электрон кооперация порталида ахборотни жойлаштириш ва харидларини амалга ошириш тартибини тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 30 сентябрдаги 833-сон қарорига 3-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Манфаатдор вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 28 октябрь,
712-сон

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 28 октябрдаги 712-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларни аниқлаш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Асосий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида ариза бериш тартибида маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларни аниқлаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи — маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга сертификат олиш учун ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи ва ихтиёрий равишда мурожаат этувчи тадбиркорлик субъекти;

ваколатли орган — «Ўзбекэкспертиза» акциядорлик жамияти;

ишлаб чиқаришни экспертиза қилиш — эксперт томонидан ариза берувчининг ишлаб чиқаришини мазкур Низомда белгиланган тартибда ўрганиб чиқиш;

маҳаллий ишлаб чиқарилган товарни сертификатлаштириш (кейинги ўринларда — сертификатлаштириш) — Ўзбекистон Республикасида товарларнинг маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилганлигини аниқлаш мақсадида экспертиза ўтказиш жараёни;

маҳаллий ишлаб чиқарилган товар тўғрисидаги сертификат (кейинги ўринларда — сертификат) — товарларни маҳаллий корхона томонидан ишлаб чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (шу жумладан, электрон шаклдаги ҳужжат);

Маҳаллий маҳсулотлар ва ишлаб чиқарувчилар реестри — маҳаллий ишлаб чиқарилган товар тўғрисидаги сертификатга эга маҳаллий корхоналар ва улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар рўйхати;

товар — маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган ҳар қандай мол-мулк;

товар тури — Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (кейинги ўринларда — ТИФ ТН) коди 10 хонали даражада бир хил бўлган товарлар;

эксперт — ваколатли органнинг зиммасига экспертиза ўтказиш, экспертиза далолатномаси ёки эксперт хулосаси ва сертификатни расмийлаштириш функцияси юкланган вакили;

Ягона электрон ахборот тизими (ЯЭАТ) — аризаларни юбориш, уларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш жараёнларининг барча босқичларини камраб олган ваколатли органнинг электрон ахборот тизими;

ўхшаш товарлар — функционал мақсади, қўлланилиши, сифати ва техник хусусиятлари бўйича таққосланадиган, ТИФ ТН дастлабки 4 та рақами бир хил бўлган товарлар.

3. Сертификат ваколатли орган томонидан товарнинг маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилганлигини тасдиқлаш мақсадида расмий-

лаштирилади ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланилади.

4. Товарнинг маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилганлигини аниқлаш мақсадида мазкур Низомга 1-иловага* мувофиқ схема бўйича экспертиза ўтказилади ва сертификат берилади.

2-боб. Товарларни маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилганлигини аниқлаш қоидалари

5. Қуйидагилар тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган маҳаллий товар деб эътироф этилади:

мамлакат ҳудудида ўстирилган ёки маълум ҳуқуқлар асосида йиғиб олинган ўсимлик маҳсулотлари;

мамлакат ҳудудида туғилган ва парвариш қилинган тирик ҳайвонлар; мамлакат ҳудудида етиштирилган ўсимлик маҳсулотлари ва ҳайвонлардан олинган маҳсулот;

мамлакатда тайёрланган овчилик, балиқчилик ва денгиз ови маҳсулоти; айнан юқорида кўрсатилган маҳсулотлардан тайёрланган товарлар.

6. Мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган товарлар билан бирга қуйидаги талаблардан бирига жавоб берган товарлар маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган деб тан олинади:

а) ишлаб чиқаришда фойдаланилган импорт материаллари қийматининг фоизлардаги улуши товар таннархида 70 фоиздан ошмаганда (маҳаллийлаштириш даражаси 30 фоиздан кам бўлмаганда).

Бунда маҳаллийлаштириш даражаси қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\text{МД} = (1 - \text{ИМ} / \text{МТ}) * 100\%, \text{ бунда } 0 < \text{ИМ} < \text{МТ};$$

МД — маҳаллийлаштириш даражаси;

МТ — маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи;

ИМ — импорт бўладиган хом ашё, материал ва бутловчи қисмларнинг хорижий валютадаги қиймати (божхона тўловларини ҳисобга олган ҳолда) сўмда ифодаланган;

б) товар ишлаб чиқаришда фойдаланилган импорт хом ашё ва материалларни технологик жараёнлар орқали қайта ишлаш натижасида уларнинг ТИФ ТН бўйича дастлабки тўртта коднинг исталган бири даражасида ўзгариши содир бўлганда. Бунда ТИФ ТН бўйича дастлабки тўртта коди товар коди билан бир хил бўлган импорт материалларнинг иштирок этишига уларнинг фоизлардаги қиймати товар таннархида 5 фоиздан ошмаган ҳолларда рухсат этилади.

7. Импорт қилинган хом ашёлар маҳаллий етказиб берувчилардан сотиб олинганда маҳаллий хом ашё сифатида кўрсатилмайди. Ишлаб чиқаришда фойдаланилган, келиб чиқиши номаълум бўлган хом ашё материаллар ва бутловчилар хорижий материаллар (импорт) деб ҳисобланади.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Маҳаллий товарларни аниқлашда қийматли кўрсаткичлар товар ишлаб чиқариш учун сарфланган материал ва хом ашёларнинг корхонага кирим қилинган ҳужжатлари асосида ҳисобланади.

9. Қўйидаги ҳолларда ушбу Низомнинг 6-бандда кўрсатилган талаблар бажарилишидан қатъи назар, товарлар маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган деб эътироф этилмайди:

сақлаш ёки транспортда ташиш вақтида товарларнинг сақланишини таъминлаш бўйича операциялар;

товарларни сотиш ва транспортда ташишга тайёрлаш бўйича операциялар (товар туркумини майдалаш, товарларни жўнатишни ташкил қилиш, саралаш, қайтадан ўраш);

махсус билим, кўникмалар ёки махсус дастгоҳ, асбоб-ускуналар талаб қилинмайдиган оддий йиғув операциялари;

товарларни (таркибий қисмларни) аралаштириб ҳосил қилинган маҳсулотга унга дастлабки таркибидан жиддий фарқланадиган хусусиятларни бермаслик;

юқорида кўрсатилган операцияларнинг иккитаси ёки ундан ортиғини бир вақтда амалга ошириш;

чорва молларини сўйиш.

10. Маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларни аниқлашда, уларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган иссиқлик ва электр энергияси, машиналар ва асбоб-ускуналарнинг келиб чиқиши инobatга олинмайди.

3-боб. Ўзбекистон Республикасида товарларнинг маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилганлигини аниқлаш бўйича экспертиза ўтказиш тартиби

11. Товарнинг маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилганлигини аниқлаш мақсадида ариза берувчи экспертиза ўтказиш ва сертификат олиш учун ишлаб чиқариш манзили бўйича жойлашган ваколатли органга ЯЭАТ орқали мазкур Низомга 2-иловага* мувофиқ шаклда электрон ариза тақдим этади.

Аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ишлаб чиқаришда фойдаланилган хом ашё ва материалларнинг (шу жумладан, қисмларнинг) Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (ишлаб чиқариш жараёни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ сертификатланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки хом ашё ва материалларнинг ишлаб чиқарувчиси номидан ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари ҳақида маълумот ёхуд тегишли тармоқлар номидан ишлаб чиқариш мавжудлигини тасдиқловчи маълумот);

корхонанинг ўзининг ёки ижарага олинган ишлаб чиқариш майдонлари, асбоб-ускуналари ҳақидаги охириги ҳисобот даврига корхона баланс ҳисоботида акс эттирилган маълумотлар, шунингдек, ишлаб чиқаришда фойдала-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ниладиган хом ашё ва бутловчи қисмларни сотиб олиш бўйича шартнома ва ҳисобварақ-фактуралар;

ишлаб чиқаришда мавжуд ходимлар тўғрисидаги маълумотлар;

ишлаб чиқаришда импорт қилинган хом ашё материаллар, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар, божхона юк декларациялари тўғрисидаги маълумотлар.

12. Мазкур Низомнинг 11-банди тўртинчи-олтинчи хатбошларида кўрсатилган ҳужжатларни идоралараро электрон ахборот алмашинуви орқали вазирлик ва идоралардан тўғридан-тўғри олиш имконияти мавжуд бўлганда, ушбу ҳужжатларни аризага илова қилган ҳолда ваколатли органга тақдим этиш талаб этилмайди.

Мазкур Низом талаблари асосида вазирлик ва идоралардан тегишли маълумотларни олиш учун «Ўзбекэкспертиза» акциядорлик жамияти «Электрон ҳукумат» тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформасига уланади.

13. Товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган хом ашё ва бутловчи қисмларнинг Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган ҳамда тасдиқланмаган ҳолларда, ишлаб чиқаришда фойдаланилган хом ашё ва материаллар келиб чиқиши номаълум товар сифатида баҳоланади.

Бунда, хом ашё ва материалларга (жумладан, қисмларга) нисбатан фақатгина мазкур Низомнинг 9-бандида кўрсатилган операциялар бажарилганлиги аниқланган ҳолларда, мазкур хом ашё ва материаллар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган деб эътироф этилади.

14. Ваколатли орган томонидан мазкур Низомнинг 11-бандида кўрсатилмаган ҳужжатларни сўраб олиш тақиқланади.

15. Мазкур Низомнинг 2-иловага мувофиқ электрон аризада маълумотлар тўлиқ ҳажмда кўрсатилмаган ҳамда 11-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ҳолларда, ариза кўриб чиқилмайди ва бир иш куни мобайнида камчиликларни батафсил кўрсатган ҳолда рад жавоби берилади. Кўрсатилган камчиликлар бартараф этилгандан сўнг аризани қайта топшириш мумкин.

Қайта топширилган аризани аввал кўрсатилмаган камчиликлар билан қайтарилишига йўл қўйилмайди.

16. Ушбу Низомда назарда тутилган тартибда ариза қабул қилинган сандан бошлаб беш иш куни мобайнида Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ишлаб чиқарилган товарни аниқлаш бўйича экспертиза ўтказилади ва натижасига кўра эксперт хулосаси ёки экспертиза далолатномаси тузилади ҳамда сертификат расмийлаштирилади.

17. Ишлаб чиқаришни экспертиза қилиш тақдим қилинган ҳужжатларни ва товарни ишлаб чиқариш жараёнини ўрганишдан бошланади.

Эксперт қуйидагилар билан танишиб чиқиши ва ўрганиши керак:

мазкур Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатларни;

товарни ишлаб чиқариш учун объектив шароитларни (белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган фармацевтика маҳсулотлари ва тиббий буюмлар, патентга эга инновацион маҳсулотлар бўйича ҳамда барқарорлик рейтингидан

«AAA», «AA» ва «A» тоифаларига мансуб бўлган тадбиркорлар мурожаат қилган ҳоллар бундан мустасно).

18. Товарни ишлаб чиқариш учун объектив шароитлар бевосита жойига чиққан ҳолда, ишлаб чиқариш жараёнларини кўздан кечириш ёки онлайн ёхуд тақдим қилинган видеоёзувлар орқали ўрганиш мумкин. Бунда ишлаб чиқариш жараёни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ сертификатланган, лицензияланадиган фаолият тури бўлган тақдирда, ушбу фаолият учун талаб қилинган лицензия мавжуд бўлган товарлар бўйича онлайн ёки видеоёзувлар орқали ўрганишга рухсат этилади.

19. Экспертиза натижасида товарнинг Ўзбекистон Республикаси маҳаллий корхоналари томонидан ишлаб чиқарилганлиги аниқланса, мазкур Низомга 3-иловага* мувофиқ шаклда экспертиза далолатномаси расмийлаштирилади.

20. Экспертиза далолатномаси техник хусусиятлари ва моделидан қатъий назар товар турига ҳар бир товарнинг маҳаллийлаштириш даражаси ва корхонанинг бир йиллик ишлаб чиқариш қуввати миқдори кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилади.

Бунда бир технологик жараён ва ускуналарда бир нечта турдаги товарлар ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлганда, ушбу технологик жараён ва ускуналарнинг бир йиллик умумий ишлаб чиқариш қуввати миқдори кўрсатилади.

21. Экспертиза ўтказишда бир товар тури доирасида:

техник хусусиятлари ва маҳаллийлаштириш даражаси кўрсаткичлари бўйича фарқ қиладиган товарлар;

турли моделдаги ва маҳаллийлаштириш даражаси кўрсаткичлари бўйича фарқ қиладиган товарлар аниқланган ҳолларда, ҳар бирининг техник хусусиятлари, модели ва маҳаллийлаштириш даражаси кўрсатилган ҳолда алоҳида экспертиза далолатномаси расмийлаштирилади.

Бунда товарларни мазкур бандда кўрсатилмаган бошқа белгилари (мисол учун ўлчами, ранги) бўйича таснифлашга ва шу асосда алоҳида экспертиза далолатномасини расмийлаштиришга йўл қўйилмайди.

22. Экспертиза далолатномасида тақдим этилган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар ва ўрганиш натижалари кўрсатилган бўлиши ҳамда товар ишлаб чиқарувчисини аниқлашнинг аниқ асоси келтирилиши лозим.

23. Экспертиза далолатномаси бир нусхада расмийлаштирилиб, ваколатли органда сақланади.

24. Экспертиза натижасида товарнинг Ўзбекистон Республикаси маҳаллий корхоналари томонидан ишлаб чиқарилганлиги тасдиқланмаган ва юқоридаги мезонлар талабларига риоя қилинмаганлиги аниқланган ҳолларда, ариза берувчи томонидан тақдим этилган товар Ўзбекистон Республикаси маҳаллий корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган товар сифатида таснифлана олмаслиги тўғрисида сабаблари кўрсатилган ҳолда, мазкур Низомга 4-иловага* мувофиқ шаклда эксперт хулосаси берилади ва QR код кўрсатилган ҳолда ЯЭАТ орқали тадбиркорга тақдим этилади.

* 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4-боб. Сертификатни расмийлаштириш

25. Сертификат экспертиза далолатномаси асосида мазкур Низомга 5-иловага* мувофиқ шаклда товар турига расмийлаштирилади.

26. Ҳар бир сертификат уни идентификация қилиш мумкин бўлган ода-тий тартиб рақамига ва QR кодга эга бўлиши керак.

27. Сертификатнинг амал қилиш муддати расмийлаштирилган кундан бошлаб 24 ойни ташкил этади.

28. Аввал берилган сертификатни қайта расмийлаштириш зарурати туғилганда, ариза берувчи мурожаати асосида аввал берилган сертификат амал қилиш муддати давомида унга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, жумладан, ишлаб чиқариш қувватларининг ошиши натижасида сертификатни қайта расмийлаштириш мумкин. Бунда аввал берилган сертификатнинг рақами ва санаси, амал қилиш муддати сақланиб қолган ҳолда қайта расмийлаштириш санаси кўрсатилади.

Сертификатнинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг, агар ариза берувчи сертификат олиш учун қайта мурожаат қилган ҳамда мазкур Низомнинг 11-бандига мувофиқ ҳужжатларда ўзгариш бўлмаган тақдирда, кейинги сертификат соддалаштирилган тартибда аввал тақдим этилган ҳужжатлар талаб этилмаган ҳолда берилади.

5-боб. Маҳаллий ишлаб чиқарилган товарни сертификатлаш учун тўлов

29. Маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларни аниқлаш юзасидан экспертиза ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ариза берувчи томонидан қопланади.

30. Маҳаллий ишлаб чиқарилган товар бўйича экспертиза ўтказиш, шу жумладан, маҳаллий ишлаб чиқарилган товар тўғрисидаги сертификат ёки эксперт хулосасини расмийлаштириш учун ариза берувчи томонидан ваколатли органга БҲМнинг уч баравари миқдорида (ҚҚСни ҳисобга олмаганда) тўлов тўланади.

Бир товар тури ёки ўхшаш товарлар доирасида биттадан ортиқ экспертиза далолатномаси ва сертификатлар расмийлаштирилган ҳолларда, кейинги экспертиза далолатномалари ва сертификатлар учун БҲМнинг 0,1 баравари миқдорида (ҚҚСни ҳисобга олмаганда) тўлов тўланади.

31. Аввал берилган сертификат 28-бандга асосан қайта расмийлаштирилган ҳамда ҳужжатлардаги камчиликлар тўлдирилиб, икки ҳафта ичида қайта топширилган ҳолларда, БҲМнинг бир баравари миқдорида (ҚҚСни ҳисобга олмаганда) тўлов тўланади.

6-боб. Маҳаллий маҳсулотлар реестрини юритиш тартиби

32. Ваколатли орган берилган сертификатларнинг маълумотлар базасини ўз ичига олган электрон тизим яратади ва у асосида сертификатга эга бўлган маҳаллий маҳсулотлар ва ишлаб чиқарувчилар реестрини юритади. Маҳал-

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лий маҳсулотлар ва ишлаб чиқарувчилар реестри маълумотлари электрон маълумотлар алмашинуви орқали манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларига юборилади.

33. Ушбу Низомга асосан аниқланган маҳаллий маҳсулотлар ва ишлаб чиқарувчилар реестри маълумотлари давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида, Электрон кооперация порталида ҳамда Савдо-саноат палатасининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

34. Эксперт ишлаб чиқаришни экспертиза қилиш жараёнида мазкур ташкилотда амал қилувчи техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши шарт.

35. Қонунчиликка мувофиқ эксперт экспертизанинг холислиги, сифати ва ўз вақтида ўтказилишига ҳамда экспертиза далолатномаси, эксперт хулосаси ва сертификатнинг лозим даражада расмийлаштирилишига жавобгардир.

Эксперт ишлаб чиқаришни экспертиза қилиш жараёнида тижорат сири сақланишини таъминлаши шарт.

36. Товарни сертификатлаш учун тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги ҳамда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ юзага келиши мумкин бўлган оқибатлар учун ариза берувчи жавобгардир.

37. Сертификат расмийлаштирилгандан сўнг ариза берувчи томонидан берилган маълумотлар ишончсиз эканлиги аниқланган ҳолларда, ваколатли орган берилган сертификатларни бекор қилиши мумкин.

Шунингдек, фуқаролар, жамоатчилик вакиллари, давлат буюртмачилари, рақобатчи-етказиб берувчилар ва давлат органларида маҳаллий ишлаб чиқарилган товар тўғрисидаги сертификатда кўрсатилган миқдор ва маълумотлар бўйича шубҳа туғилган тақдирда, улар маълумотларнинг ишонччилигини текшириш юзасидан ваколатли органга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Мурожаат ваколатли орган, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, тегишли тармоқ ва ҳудудий бошқарув органи ходимлари иштирокида ишчи гуруҳ ташкил қилган ҳолда, беш иш куни давомида ишлаб чиқариш жойига чиққан ҳолда ўрганилади.

Ўрганишлар натижасида:

амалда товарнинг маҳаллийлаштириш даражаси 30 фоиздан камлиги, била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки ишлаб чиқариши кўзда тутилган товарларни четдан олиб келиб, ўз маҳсулоти сифатида сотиш ҳолатлари аниқланганда, ваколатли органга маҳаллий ишлаб чиқарилган товар тўғрисидаги сертификатни бекор қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар реестридан чиқариш юзасидан;

амалда товарнинг маҳаллийлаштириш даражаси 30 фоиздан кўп, лекин сертификатда кўрсатилган миқдордан пастлиги ёки ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа параметрларнинг сертификатда кўрсатилган миқдордан пастлиги аниқланса ваколатли органга берилган маҳаллий ишлаб чиқарилган товар тўғрисидаги сертификатни вақтинча тўхтатиб туриш юзасидан таклифлар киритилади.

38. Ариза берувчи экспертиза ўтказиш ва экспертга ишлаб чиқариш жараёни билан тўлиқ танишиши учун зарур шароитларни яратиб бериши шарт.

39. Маҳаллий ишлаб чиқарилган товар тўғрисидаги эксперт хулосасини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари экспертиза далолатномаси билан бирга сертификатнинг амал қилиш муддати тугагандан кейин уч йилдан кам бўлмаган муддат давомида архивда сақланади.

40. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

41. Сертификат олишда тадбиркорлик субъектлари ва ваколатли орган ўртасида маҳаллийлаштириш даражасини ҳисоблаш ёки етарли ишлаб чиқаришни белгилашда низоли масалалар суд тартибида ҳал қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAҲKAMACIНИНГ
ҚАРОРИ

384 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қошидаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қошидаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2024 йил 3 июндаги ПҚ–204-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари бозорини тартибга солиш ҳамда уларнинг ноқонуний айланмасининг олдини олиш чора-тадбирларини кучайтириш тўғрисида» 2024 йил 3 июндаги ПФ–84-сон Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қошида Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси ташкил этилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қошидаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2024 йил 3 июндаги ПҚ–204-сон қарори билан Инспекция тузилмаси тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қошидаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қошидаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясининг бюджетдан ташқари жамғармаси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 29 октябрь,
713-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 1 ноябрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 29 октябрдаги 713-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти
қошидаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш
инспекцияси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қошидаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясининг (кейинги ўринларда — Инспекция) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Инспекция:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти (кейинги ўринларда — Департамент) таркибидаги мустақил бўлинма ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғига (кейинги ўринларда — Бош прокурор ўринбосари — Департамент бошлиғи) бўйсунув ва ҳисобдорлик асосида фаолият кўрсатади;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда улгуржи савдосини лицензиялаш, ушбу соҳасида лицензия ва хабардорлик тартиб-таомилларига риоя этилишини назорат қилувчи ваколатли давлат органи ҳисобланади.

3. Инспекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

4. Инспекция юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очиладиган ҳисобварақларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга эга бўлади.

5. Инспекциянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча давлат органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. Инспекциянинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қошидаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси, қисқартирилган номи — Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси;

б) инглиз тилида:

тўлиқ номи — Inspectorate for regulation of the alcohol and tobacco market at the Department on Combating Economic Crimes at the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan, қисқартирилган номи — Inspectorate for regulation of the alcohol and tobacco market;

в) рус тилида:

тўлиқ номи — Инспекция по регулированию алкогольного и табачного рынка при Департаменте по борьбе с экономическими преступлениями при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан, қисқартирилган номи — Инспекция по регулированию алкогольного и табачного рынка.

7. Инспекция ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда, фақат қонунчилик ҳужжатларига бўйсунган ҳолда амалга оширади.

8. Инспекциянинг молиявий ва моддий-техник таъминоти Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

9. Инспекцияда шакллантириш ва фойдаланиш тартиби қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган бюджетдан ташқари жамғармалар ташкил этилади.

10. Инспекция ўзига юкланган вазифаларни бажариш мақсадида қонунчиликда белгиланган тартибда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборот билан, шу жумладан, бошқа ахборот билан электрон шаклда алмашади.

2-боб. Инспекциянинг вазифалари ва функциялари

11. Қуйидагилар Инспекциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳамда унинг назоратини таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсатини юритишда иштирок этиш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган комплекс дастурларни амалга ошириш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, шунингдек, алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни лицензиялаш;

давлат стандартлари ва қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилган ҳолда, истеъмол ҳамда техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда техник ва технологик жорий этиш уларга риоя этилишини назорат қилиш ишларини тегишли ваколатли органлар билан биргаликда ташкил қилиш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларнинг улгуржи савдоси соҳасида лицензия ва хабардорлик тартиб-таомилларига риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг қилиш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларнинг айланмаси ҳажмларини мониторинг ва назорат қилиш бўйича замонавий ахборот тизимларини жорий этиш ҳамда ривожлантириш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний ишлаб чиқариш ҳамда айланмасининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш, бунга имкон берувчи сабаблар ҳамда шароитларни бартараф этиш борасида ваколатли органлар билан ҳамкорлик қилиш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари учун янги намунадаги акциз маркаларини ишлаб чиқишда қатнашиш ҳамда уларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва сотилишига йўл қўймасликка қаратилган профилактика ҳамда тушунтириш ишларини амалга ошириш.

12. Инспекция ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳамда унинг назоратини таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсатини юритишда иштирок этиш соҳасида:

алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш саноатини диверсификация қилиш ва рақобатбардошлигини ошириш, ушбу соҳага халқаро стандартларни жорий қилиш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, ушбу йўналишда давлат органлари ва ташкилотлари, ишлаб чиқариш ва савдо фаолиятини амалга оширувчи субъектлар билан ҳамкорлик қилиш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг улгуржи ва чакана савдоси тартибини белгилашда иштирок этиш;

б) истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган комплекс дастурларни амалга ошириш соҳасида:

виночилик соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, маҳаллий алкоголь, шу жумладан, вино маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ва сотишни халқаро майдонда тарғиб қилиш мақсадида фестиваллар, кўрғазмалар ва ярмаркаларни ташкил этиш, шунингдек, уларда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг иштирок этишига қўмаклашиш;

коллекцион вино ва коньяк маҳсулотларини захирага қўйиш ҳамда сара миллий бренд маркаларининг коллекцион маҳсулотларини аукцион савдоларига қўйишга қўмаклашиш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, салбий таъсирининг олдини олиш борасида давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш;

алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш соҳасида халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатларнинг ваколатли ташкилотлари билан халқаро ҳамкорлик қилиш;

алкоголь ва виночилик соҳасида юқори малакали хорижий мутахассислар ҳамда маслахатчиларни жалб қилиш, тармоқ мутахассисларининг республиканинг етакчи корхоналари, илмий-тадқиқот институтларида малакасини ошириш ва уларнинг қайта тайёрлашни, шунингдек, чет элда малакасини оширишни ташкил этишда қўмаклашиш;

алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга тегишли дегустация ҳудудлари туроператорларнинг йўналиш дастурларига киритилишини ташкил этишда қўмаклашиш;

в) истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, шунингдек, алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни лицензиялаш соҳасида:

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, шунингдек, алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятга қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида лицензия бериш, қайта расмийлаштириш ҳамда унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш;

лицензияни ўзгартириш, бекор қилиш ёки қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лицензияни бекор қилиш тўғрисида судга мурожаат қилиш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, шунингдек, алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияга эга бўлган ташкилотлар реестрини юритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига асосан истеъмол ҳамда техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи субъектлар томонидан лицензия ва хабардорлик тартиб-таомиллари талабларига риоя этилишини ўрганиш;

г) давлат стандартлари ва қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилган ҳолда, истеъмол ҳамда техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда техник ҳамда технологик жорий этиш, уларга риоя этилишини назорат қилиш ишларини тегишли ваколатли органлар билан биргаликда ташкил қилиш соҳасида:

ваколатли органлар билан биргаликда истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларига стандартлар, техник ва технологик регламентлар, санитария-гигиена нормаларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва такомиллаштириш ҳамда уларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргалик-

да корхоналарда алкоголь, узум, мевалар ва реза мевалардан тайёрланидиган алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича халқаро стандартларни жорий қилишга кўмаклашиш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда техник ва технологик нормаларга риоя этилишини, маҳсулотларни сақлаш сифатини ҳамда уларни айланмасини, шу жумладан, фойдаланиладиган хомашё ва ёрдамчи материаллар сифатини назорат қилиш;

истеъмолчиларнинг ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларининг сифати бўйича мурожаатларини тегишли ваколатли органлар билан ҳамкорликда ўрганиб чиқиш;

алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани, шунингдек, техник ва технологик регламентлар, халқаро стандартларни такомиллаштириш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар йиғилишларида, конференция ва семинарларида иштирок этиш;

зарур асбоб-ускуналар, приборлар, кимёвий реактивлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан жиҳозланган, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда назарда тутилган барча зарур физик-кимёвий, микробиологик ва бошқа кўрсаткичларни таҳлил қилиш имконини берувчи ишлаб чиқариш лабораториялари мавжудлигини ўрганиш;

д) истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг улгуржи савдоси соҳасида лицензия ва хабардорлик тартиб-таомилларига риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг қилиш соҳасида:

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларнинг улгуржи савдоси соҳасида лицензия ва хабардорлик тартиб-таомилларига риоя этилишини ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган маълумотлар ҳамда ахборот тизими маълумотлари асосида мониторинг қилиш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларнинг улгуржи савдоси бўйича лицензия ва хабардорлик тартиб-таомиллари ўз вақтида ҳамда тўлиқ бажарилишини жойига чиққан ҳолда ўрганиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари билан ҳамкорликда этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ноқонуний ишлаб чиқариш ва сотиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш чораларини кўриш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи субъектларга нисбатан огоҳлантириш, молиявий санкция, лицензия ёки хабардорлик ҳужжатининг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш каби ҳуқуқий таъсир чораларини белгиланган тартибда қўллаш;

ишлаб чиқариш ва савдо соҳасида истеъмол ҳамда техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг назорат харидини амалга ошириш, ваколатли органлар билан ҳамкорликда уларнинг техник жиҳатдан тартибга

солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини назорат қилиш мақсадида синов лабораторияларида экспертизадан ўтказиш;

лицензия тартиб-таомили бўйича йиғимлар ва йиллик лицензия тўловлари ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;

е) истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларнинг айланмаси ҳажмларини мониторинг ва назорат қилиш бўйича замонавий ахборот тизимларини жорий этиш ҳамда ривожлантириш соҳасида:

алкоголь ва тамаки бозори соҳасини рақамлаштириш ҳамда ривожлантириш чораларини амалга ошириш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва айланмасини ҳисобга олиш, хавфларни аниқлаш, мониторинг ва назорат қилиш имконини берувчи ахборот тизимини жорий этиш ҳамда вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш чораларини кўриш;

мулкдорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан истеъмол ва техник этил спирти ҳамда алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ўлчов ускуналарини ва ҳисобга олиш ахборот тизимига ахборот узатувчи бошқа ҳисобга олиш ва қайд этиш воситаларини ўрнатишда кўмаклашиш;

ишлаб чиқариш корхоналарида «Asl belgisi» маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизими, ишлаб чиқариш ҳажмларини ҳисобга олиш ахборот тизими жорий этилишини таъминлаш;

ж) алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний ишлаб чиқариш ҳамда айланмасининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш, бунга имкон берувчи сабаблар ҳамда шароитларни бартараф этиш борасида ваколатли органлар билан ҳамкорлик қилиш:

алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар томонидан истеъмол этил спиртидан мақсадли фойдаланишини қонунчиликда белгиланган тартибда текшириш ва назорат қилиш;

истеъмол этил спиртининг ҳар бир ишлаб чиқарилган маҳсулот намуналари уларнинг сифати норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида синовдан ўтказиш ҳамда синов натижалари бўйича истеъмол этил спирти маҳсулотларининг мувофиқлиги ёки ишлаб чиқариш жараёнига қайта ишлаш учун қайтариш тўғрисида хулосалар бериш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда техник ва технологик нормаларга риоя этилишини, маҳсулотларни сақлаш сифатини ва уларнинг айланмасини, шу жумладан, фойдаланиладиган хомашё ва ёрдамчи материаллар сифатини назорат қилиш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг айланмасини аниқлаш ва чек қўйишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари билан ҳамкорлик қилиш;

лицензия ҳамда хабардорлик тартиб-таомилини бузган субъектлар, шунингдек, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ маълумотларнинг марказлашган ҳисобини юритиш, бундай ҳолатлар харитасини тузиш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг айланмаси кўламини, шунингдек, бунга имкон бераётган шароитларни таҳлил қилиш ҳамда бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

з) алкоголь ва тамаки маҳсулотлари учун янги намунадаги акциз маркаларини ишлаб чиқишда қатнашиш ҳамда уларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва сотилишига йўл қўймасликка қаратилган профилактика ҳамда тушунтириш йилларини амалга ошириш соҳасида:

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари акциз маркаларининг ҳимоя даражасини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, янги намунадаги акциз маркаларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

акциз маркалари айланмаси ҳисобини юритиш, эски намунадаги акциз маркаларини йўқ қилишда иштирок этиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари билан ҳамкорликда истеъмол ҳамда техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ноқонуний айланмасига қарши курашишга кенг жамоатчиликни жалб қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

аҳоли ўртасида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний ишлаб чиқариш ҳамда сотиш оқибатлари ҳақида тарғибот тадбирларини амалга ошириш, ушбу соҳада оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

Инспекция қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Инспекциянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

13. Инспекция ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Инспекцияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда киритиш;

ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролардан ўз ваколатларига кирувчи масалалар бўйича материаллар, маълумотлар ҳамда тушунтиришларни олиш;

ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлари базасига белгиланган тартибда уланиш ва улардан реал вақт режимида фойдаланиш;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича зарур статистика маълумотларни бепул олиш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари сифатини белгилаш ҳамда назорат қилиш бўйича қўшма тадбирлар ўтказиш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг улгуржи сав-

доси билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятини белгиланган тартибда текшириш;

текширилаётган ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассисларидан уларнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича зарур ҳужжатлар ва тушунтиришлар олиш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланувчи ташкилотларда аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича ҳужжатларни тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотлари улгуржи савдоси соҳасида лицензия ва хабардорлик тартиб-таомилларини бузган субъектларга нисбатан ҳуқуқий ва молиявий таъсир чораларини қўллаш;

солиқ органларидан алкоголь ва тамаки маҳсулотлари билан чакана савдо қилувчи субъектлар ҳақидаги (савдо нуқталари сони, уларни жойлашув жойи ва бошқалар) маълумотларни сўраб олиш ва ҳисобини олиб бориш;

зарур ҳолларда, текширилаётган ташкилотларга аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш, шунингдек, давлат стандартлари ва техник регламентлар талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ҳамда сотилишини тўхтатиш тўғрисида тақдимнома киритиш;

қонунчиликка асосан истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, шунингдек, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва хабарнома ҳужжатининг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ёки мазкур масалаларда судларга аризалар билан мурожаат қилиш.

Инспекция қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Инспекция ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши, шунингдек, алкоголь ҳамда тамаки бозорини тартибга солиш бўйича давлат сиёсатини самарали амалий амалга оширилиши учун жавоб беради.

15. Инспекция қўйидагиларга мажбур:

ўзига юкланган вазифа ва функцияларни ўз вақтида ҳамда сифатли бажариш;

давлат, тижорат сирларининг ҳамда назорат объектларининг қонунчилик билан қўриқланидиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш.

16. Инспекция ходимларига ушбу Низомда белгиланмаган вазифаларни топшириш ҳамда фаолиятига боғлиқ бўлмаган вазифаларга жалб этиш тақиқланади.

4-боб. Инспекция фаолиятини ташкил этиш

17. Инспекцияга Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишган ҳолда Бош прокурор ўринбосари — Департамент бош-

лигининг тақдимномасига асосан Бош прокурор томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

18. Инспекция бошлиғи мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитлари бўйича Департамент бошлиғи ўринбосарига тенглаштирилади.

19. Инспекция ходимлари Инспекция бошлигининг тақдимномасига асосан Бош прокурор ўринбосари — Департамент бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

20. Прокуратура органлари ходимлари хизматда қолдирилган ҳолда Инспекцияда лавозимга тайинланиши мумкин. Бунда лавозимга тайинланган ходимнинг фаолият даври навбатдаги даражали унвон бериш, кўп йиллик хизмати учун устама ҳақ тўлаш, маошини белгилаш, пуллик таъминот ва пенсия тайинлаш ҳуқуқини бериш учун прокуратура органларидаги хизмат стажига қўшиб ҳисобланади, шунингдек, даражали унвонлар ва меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун устамалар тўланади.

21. Инспекцияда хизматни ўташ тартиби Бош прокурор томонидан белгиланади. Бунда ходимларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этишда Департамент органларига хизматга қабул қилиш ва хизматдан бўшатиш талаблари ҳамда шартлари татбиқ этилади.

22. Инспекция бошлиғи:

Инспекция фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ҳамда Инспекцияга юкланган вазифа ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлайди;

Инспекцияга юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Инспекция ваколатига кирувчи масалалар бўйича буйруқ, кўрсатма ва фармойиш қабул қилади;

ходимларни хизмат сафарларига юбориш тўғрисида буйруқ чиқаради, ходимларни хорижий давлатларга хизмат сафарига юбориш масалалари бўйича Бош прокурор ўринбосари — Департамент бошлиғига таклиф киритади;

Бош прокурор ўринбосари — Департамент бошлиғига Инспекция ходимларини ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш ва бошқа ишга ўтказиш юзасидан таклифлар киритади;

Инспекция ходимларини интизомий жавобгарликка тортиш, рағбатлантириш ҳамда давлат мукофотларига тақдим этиш ҳақида таклифлар киритади;

Инспекция фаолиятини режалаштиришни ташкил қилади, Инспекция ва таркибий бўлинмаларининг иш режаларини тасдиқлайди;

Инспекция таркибий бўлинмалари бошлиқларининг ҳисоботларини эшитиши;

Инспекция фаолиятига оид масалалар юзасидан тезкор йиғилишлар ўтказиши;

бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, корхоналар, муассасалар, шу-

нингдек, чет эл давлатлари ваколатли органлари билан ҳамкорлик тўғрисида келишувлар ва бошқа шартномалар тузади;

Инспекция фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш чораларини кўради ва назорат қилади;

Инспекция ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилади.

Инспекция бошлиғи қонунчиликда назарда тутилган бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин.

23. Инспекция ходимларини рағбатлантириш ёки интизомий жазо чораларини қўллаш Инспекция ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш ваколатига эга бўлган Бош прокурор ва Бош прокурор ўринбосари — Департамент бошлиғи томонидан амалга оширилади.

24. Инспекциянинг бошқарув ходимлари тиббий хизмат шароитлари ва ижтимоий ҳимоя чоралари бўйича Департамент органлари ходимларига тенглаштирилади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

25. Инспекция фаолиятига ноқонуний аралашуш ёки тўсқинлик қилиш, нотўғри маълумотларни тақдим этиш ёки тақдим этишдан бўйин товлаш, шунингдек, Инспекциянинг мансабдор шахсларини қонунчилик ҳужжатлари билан юкланмаган вазифаларни бажаришга мажбурлаш ҳамда уларга ҳар қандай шаклда таъсир кўрсатиш тақиқланади ва қонунчиликда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

26. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 29 октябрдаги 713-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қошидаги
Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясининг
бюджетдан ташқари жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қошидаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясининг (кейинги ўринларда — Инспекция) бюджетдан ташқари жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш, Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаси шаклида, маблағлардан Инспекциянинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилади.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш

3. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади: алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний ишлаб чиқарганлик ёки истеъмол этил спирти ҳамда алкоголь маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси учун тўланадиган жарима суммасининг 50 фоизи;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, улгуржи ва чакана савдо йўналишида лицензиялаш ҳамда хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималар;

истеъмол ва техник этил спиртидан мақсадсиз фойдаланилганлик учун ундириладиган молиявий жарима суммасининг 20 фоизи. Бунда солиқ органлари томонидан қўлланиладиган харид қилинган истеъмол ва техник этил спирти ҳажмига ҳисобланадиган акциз солиғи суммасининг 2,5 баравари миқдоридаги молиявий жарима суммасидан келиб чиқилади;

истеъмол ва техник этил спиртини транспорт воситаларида ташиш бўйича лицензия талабларини бузганлик учун ундириладиган молиявий жарима суммасининг 50 фоизи;

тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳуқуқига лицензия берганлик учун давлат божи, шунингдек, истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқаришга, алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдосини амалга оширишга лицензиялар бериш учун тўланадиган йиғимлар ва йиллик лицензия тўловлари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари (қарзлари) ҳамда грантлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банкларига депозитга қўйишдан олинган фоиз тарзидаги даромадлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Жамғармага тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган махсус ҳисобварақда жамланади.

5. Тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасидан ортиқча ҳақиқий тушумлар сметаларга тегишли ўзгартиришлар киритилгандан сўнг сарфланади.

3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш

6. Жамғарма маблағларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

а) Инспекция ходимларига кўп йиллик хизмати учун ҳар ойда тўланадиган устамаларни тўлаш учун (рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффициентларда);

б) Инспекция ходимларини моддий рағбатлантириш учун:

ходимларни моддий рағбатлантириш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш;

мамлакат иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида шахсий ҳисасини қўшган, меҳнатда юқори натижаларга эришган, хизмат вазифаларини сидқидилдан ва самарали бажараётган малакали, ташаббускор раҳбар ва ходимларга лавозим маошининг 300 фоизгача бўлган миқдорларда ойлик лавозим маошларига (рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда) белгиланадиган шахсий устамаларни тўлаш. Бунда, Инспекцияга прокуратура органларидан ўтган ходимларга нисбатан 200 фоизгача этиб белгилансин;

байрам саналарида — Мустақиллик куни, Конституция куни, Хотин-қизлар куни, Наврўз, Янги йил, диний байрамларда («Рўза ҳайити» (Ийд-ал-Фитр) ва «Қурбон ҳайити» (Ийд-ал-Адха) байрамларида ҳамда прокуратура органлари ходимлари куни муносабати билан ходимларни ойлик лавозим маошининг икки баробари миқдоригача мукофотлаш;

пенсияга чиқиши муносабати билан пенсияга чиқаётганда, ходимга лавозим маошининг уч баробари миқдоригача қимматбаҳо совғалар бериш ёки шу миқдорда пул мукофоти тўлаш;

ходимларнинг меҳнат таътили пулини, шунингдек, фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун пулли компенсация пулининг тегишли қисмини тўлаш;

в) Инспекция ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш учун:

уй-жой билан таъминланмаган ходимларга амалдаги сарф-харажатлар доирасида уй-жойни ижарага бериш шартномасига мувофиқ уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ошмаган миқдорда ҳар ойлик компенсация тўлаш;

жамоат транспортдан (маршрут ва йўналишли таксилардан ташқари) фойдаланиш харажатларини қисман қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида компенсация тўлаш;

ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларнинг меҳнати самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар ойда овқатланиш харажатларини қисман қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида компенсация тўлаш;

ходим вафот этганда, ходимнинг ойлик лавозим маошининг ўн бараваридан ошмаган миқдорда бир йўла моддий ёрдам бериш. Бунда моддий ёрдам турмуш ўртоғига тўлаб берилади, агар ходимнинг турмуш ўртоғи бўлмаса, моддий ёрдам фарзандларига ёки қонуний вакилларига (васийлари ва ҳомийларига) ёхуд уларнинг вояга етмаган фарзандларини асраб олган шахсларга тўланади, шунингдек, ходим турмуш қурмаган бўлса, моддий ёрдам унинг ота-онаси ёки боқимандалари ўртасида тенг улушларда тақсимланади;

алоҳида заруратга кўра (юбилей саналарида, ходимлар 50 ва 60 ёшга тўлганда, бахтсиз ҳодиса, оғир касаллиги сабабли даволаниш, соғлигини тиклаш, оиланинг кам таъминланганлиги ва молиявий ҳолатининг оғирлиги) лавозим маошининг икки баравари миқдорида моддий ёрдам бериш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун йилда бир марта (қоида тариқасида куз ойларида) базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз бараваригача миқдорида моддий ёрдам пули бериш;

ходим ёки унинг фарзандлари никоҳдан ўтиши муносабати билан лавозим маошининг (рағбатлантириш коэффицентини инобатга олган ҳолда) икки баравари миқдоригача моддий ёрдам бериш;

ходимнинг яқин қариндоши (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзанди) вафот этганда — вафоти тўғрисида гувоҳнома нусхаси тақдим этилганда, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг тўрт ярим баравари миқдорида моддий ёрдам бериш;

ходимларнинг меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва меҳнатини муҳофаза қилиш;

г) Инспекциянинг моддий-техник базасини ривожлантириш учун:

Инспекция бино ва иншоотларини мукамал ҳамда жорий таъмирлаш, қўшимча объектларни (маъмурий бинолар ва бошқалар) қуриш, реконструкция қилиш, сотиб олиш, ижара ҳамда объектларни сақлаш харажатлари;

Инспекция фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ маъмурий ва хўжалик харажатларини (коммунал хизматлар, сафар харажатлари, автотранспорт воситаларини ижара олиш ва бошқалар) қоплаш;

ахборот-коммуникация технологияларини такомиллаштириш, инновацион ва илғор технологияларни жорий этиш, алоқа воситалари, ҳисоблаш техникаси, жиҳозлар, компьютер ҳамда ташкилий техникани сотиб олиш, таъмирлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш, дастурий таъминот воситаларини харид қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўпламларини, ўқув-методик қўлланмалар ва матбаа маҳсулотларини сотиб олиш;

Инспекция фаолияти учун инвентарлар ва хўжалик жиҳозлари, автотранспорт воситалари, эҳтиёт қисмлар ҳамда бошқаларни сотиб олиш, шунингдек, жорий ва мукамал таъмирлаш;

конференция, симпозиум, семинар, тренинг, йиғилиш, учрашув, байрам, маданий ва спорт тадбирларини ташкил қилиш ҳамда ўтказиш;

истеъмол этил спирти ишлаб чиқарувчи корхоналарда этил спиртнинг сифатини аниқлаш бўйича лабораторияларни ташкил этиш, сақлаш ва ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари.

Бунда, лаборатория ходимларига Инспекциянинг ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш шартлари татбиқ этилади. Лаборатория ходимларнинг тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишилади;

д) Инспекциянинг идоравий харажатлари учун:

хорижий делегацияларни кутиб олиш ва кузатиш билан боғлиқ харажатлар учун (меҳмонларни кутиб олиш ва кузатиш, меҳмонхона, транспорт, таржимонларни ёллаш харажатлари ҳамда эсдалик совғаларини харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ва бошқалар);

Инспекция ходимларининг хорижий давлатларга хизмат сафарлари харажатлари, хизмат сафари давридаги вакиллик харажатларига (расмий қабуллар, таржимонларни ёллаш ҳамда базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда эсдалик совғаларини харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ва бошқалар);

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг назорат харидини амалга ошириш ҳамда уларни экспертиза (тест)дан ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш (шу жумладан, хорижий давлатларда) ҳамда Инспекция ходимларининг чет эл хизмат сафарларига бориши, шунингдек, хорижий давлатларда тажрибасини ошириши билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга ишлаб чиқариш жараёнларини мониторинг ва назорат қилиш имконини берувчи видеокузатув воситаларини ўрнатиш;

е) қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатларга.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилмаган бўлса, Жамғарма маблағлари ҳисобидан қўшимча штат бирликларини жорий этиш тақиқланади.

4-боб. Жамғармани бошқариш

8. Жамғарма маблағлари Жамғарма маблағларини тасарруф этиш бўйича кенгашнинг (кейинги ўринларда — Жамғарма кенгаши) қарори асосида сарфланади. Кенгаш Жамғарманинг юқори органи ҳисобланади.

9. Жамғарма кенгашининг таркиби Бош прокурор ўринбосари — Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи томонидан тасдиқланади.

10. Жамғарма кенгашининг қарори асосида Жамғарма маблағларини

сарфлашнинг аниқ мақсадлари, йўналишлари ва унинг миқдорини кўрсатган ҳолда, Инспекция бошлиғининг буйруғи чиқарилади.

11. Жамғарма кенгаши:

Жамғарманинг кейинги йил учун даромадлар ва харажатлар сметасини ҳар йили 25 декабргача тасдиқлайди;

Жамғарманинг чорак якуни бўйича даромадлари ва маблағларининг харажатлари тўғрисидаги ҳисоботларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

Жамғарманинг фаолиятини, шу жумладан, маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишини, молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисида ўз вақтида қарор қабул қилишни назорат қилади;

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

5-боб. Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш

12. Жамғарма тушумларининг прогноз кўрсаткичлари йил бошида кутилаётган Жамғармадаги қолдиқ маблағлар ҳамда молия йили давомида тушадиган тушумлардан келиб чиқиб, жорий йилдаги прогноз кўрсаткичлари белгиланади.

13. Жамғарма маблағлари тушуми ва харажатлари тўғрисидаги ҳисоботлар белгиланган тартибда ҳамда муддатларда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилади.

14. Жамғарма бўйича даромадлар ва харажатлар сметасига тегишли ўзгартиришлар Жамғарма кенгаши томонидан киритилади. Бунда тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасига қўшимча маблағ талаб этилганда, унга ўзгартиришлар тушумларнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, Жамғарма кенгаши томонидан киритилади ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

15. Жамғарма маблағларининг шакллантирилиши ва мақсадли фойдаланилиши бўйича Жамғарма кенгаши ҳамда Инспекция бошлиғи масъул ҳисобланади.

16. Жамғарма маблағларининг мақсадли ишлатилиши юзасидан назорат қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

17. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмай қолган маблағлари кейинги молия йилига ўтказилади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларига олиб қўйилмайди.

6-боб. Яқунловчи қоида

18. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHISH AGENTLIGI
О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING
QARORI

385 “Korrupsiyaga qarshi kurashish virtual akademiyasi”
elektron platformasida o‘qitishni tashkil etish tartibi
to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
30-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3565*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 21-iyundagi PQ–228-son “Aholi va davlat xizmatchilarining korrupsiyaga qarshi kurashish sohasidagi bilimlarini uzluksiz oshirish tizimini joriy qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi, O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi **qaror qiladi:**

- “Korrupsiyaga qarshi kurashish virtual akademiyasi” elektron platformasida o‘qitishni tashkil etish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
- Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, Maktabgacha va maktab ta‘limi vazirligi hamda Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vazirligi bilan kelishilgan.
- Ushbu qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Korrupsiyaga qarshi kurashish
agentligi direktori**

A. BURXANOV

Toshkent sh.,
2024-yil 30-sentabr,
6-son

Bosh prokuror

N. YO‘LDOSHEV

Toshkent sh.,
2024-yil 27-sentabr,
55-QQ-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 1-noyabrda e‘lon qilingan.

Kelishildi:

Iqtisodiyot va moliya vaziri

J. KUCHKAROV

2024-yil 27-sentabr

*Maktabgacha va
maktab ta'limi vaziri*

X. UMAROVA

2024-yil 26-sentabr

*Oliy ta'lim, fan va
innovatsiyalar vaziri*

K. SHARIPOV

2024-yil 26-sentabr

O'zbekiston Respublikasi
Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligining
2024-yil 30-sentabrdagi 6-son, Bosh
prokuraturasining 2024-yil 27-sentabrdagi
55-QQ-son qaroriga
ILOVA

“Korrupsiyaga qarshi kurashish virtual akademiyasi” elektron platformasida o'qitishni tashkil etish tartibi to'g'risidagi NIZOM

Mazkur Nizom davlat xizmatchilari va aholining (bundan buyon matnda ta'lim oluvchilar deb yuritiladi) korrupsiyaga qarshi kurashish sohasidagi bilimlarini uzluksiz oshirishga qaratilgan “Korrupsiyaga qarshi kurashish virtual akademiyasi” elektron platformasida (bundan buyon matnda Virtual akademiya deb yuritiladi) o'qitishni tashkil etish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalar qo'llaniladi:

bazaviy o'quv kurslari — Virtual akademiya joylashtiriladigan hamda foydalanish uchun barcha ta'lim oluvchilarga ochiq bo'lgan korrupsiyaga qarshi kurashish va uning oldini olish bo'yicha tashkil etiladigan o'quv kurslari;

maxsus o'quv kurslari — davlat xizmatchilari uchun majburiy, davlat xizmatchilari hisoblanmaydigan shaxslar uchun ixtiyoriy ravishda Virtual akademiya orqali korrupsiyaga qarshi kurashish va uning oldini olish bo'yicha tashkil etiladigan o'quv kurslari;

davlat xizmatchilari — davlat organlari va tashkilotlarda o'z faoliyatini mehnat shartnomasi (kontrakt) asosida yoki saylab qo'yiladigan yoxud tayinlanadigan lavozimlarda amalga oshirayotgan boshqaruv xodimlari.

ta'lim oluvchining shaxsiy ta'lim trayektoriyasi — ta'lim oluvchi tomonidan tanlangan hamda unga ketma-ketlikda bilimlar to'plash va xohlagan kompetensiyalar yig'indisiga ega bo'lish imkoniyatini beradigan yo'nalish (marshrut).

tyutor (o'qituvchi-konsultant) — bazaviy va maxsus o'quv kurslarida tegishli o'quv moduli bo'yicha ta'lim oluvchilar faoliyatini muvofiqlashtiruvchi va yo'naltiruvchi, metodik yordam ko'rsatuvchi, o'quv-metodik materiallarni ishlab chiqish funksiyalarini amalga oshiruvchi mas'ul xodim.

2. Virtual akademiya o'quv faoliyatini tashkil etish va yuritish O'zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi (bundan buyon matnda Agentlik deb yuritiladi) hamda O'zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish akademiyasi (bundan buyon matnda Akademiya deb yuritiladi) tomonidan amalga oshiriladi.

3. Bazaviy o'quv kurslaridan barcha ta'lim oluvchilar uchun bepul va unda istalgan vaqtda va cheklanmagan miqdorda foydalanish mumkin.

4. Virtual akademiyaning maxsus o'quv kurslarida o'qitish to'lov-shartnoma asosida amalga oshiriladi.

5. Maxsus o'quv kurslarida to'lov-shartnoma asosida malaka oshirish uchun to'lov miqdorlari Akademiyaning Vasiylik kengashi tomonidan Agentlik hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligi bilan kelishilgan holda tasdiqlanadi.

6. Davlat xizmatchilarini Virtual akademiya o'qitish bilan bog'liq xarajatlar tegishli davlat organi yoki tashkilotiga ushbu maqsadlar uchun nazarda tutilgan byudjet mablag'lari doirasida yoxud ularning byudjetdan tashqari mablag'lari, shuningdek qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa manbalar hisobidan qoplanadi.

7. Shartnomada ko'rsatilgan o'qitish qiymati buyurtmachi tomonidan to'liq to'langandan so'ng, ta'lim oluvchilar tomonidan yagona identifikatsiya tizimi (One ID) yordamida ro'yxatdan o'tish orqali Virtual akademiyaning maxsus o'quv kurslarida o'qish imkoniyati tashkil etiladi.

2-bob. Virtual akademiya o'qitish jarayonini tashkil etish

8. Virtual akademiya o'qitish korrupsiyaga qarshi kurashish sohasida bazaviy va maxsus o'quv kurslari bo'yicha yo'lga qo'yiladi.

9. Bazaviy va maxsus o'quv kurslari ishdan ajralmagan holda, asinxron rejimida masofadan turib elektron ta'lim resurslarini mustaqil ravishda o'zlashtirish asosida amalga oshiriladi.

10. Bazaviy o'quv kurslari ta'lim oluvchilarga korrupsiya tushunchasi, tarixi, oqibatlari, unga qarshi kurashish va oldini olishga doir masalalarni tushuntirish orqali ularning huquqiy ongi va madaniyatini yuksaltirish, jamiyatda korrupsiyaga nisbatan huquqiy immunitetni shakllantirishga qaratilgan shaklda tashkil etiladi.

11. Bazaviy o'quv kurslari bir necha daqiqalar ichida o'zlashtirishi mumkin bo'lgan yangiliklar, muammoli vaziyatlar va ularning yechimlari, savol-javob hamda turli xil sinovlar o'tkazish orqali amalga oshiriladi.

12. Akademiya Agentlik, Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi hamda Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi bilan birgalikda ta'lim tashkilotlari tarbiyalanuvchilari, o'quvchilari va talabalari uchun o'quv dasturlarini ishlab chiqib tasdiqlaydi.

13. Davlat xizmatchilarining maxsus o'quv kurslarida o'qitish:

ishga qabul qilinganidan so'ng uch oy ichida;

har uch yilda kamida bir marta korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha o'quv dasturlari asosida amalga oshiriladi.

Korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmalari va korrupsiyaviy xavf-xatarlar yuqori bo'lgan davlat xizmati lavozimlarida faoliyat ko'rsatuvchi xodimlar uchun maxsus kurslar chuqurlashtirilgan o'quv dasturlari asosida amalga oshiriladi.

14. Davlat xizmatchilari uchun tashkil etiladigan maxsus o'quv kurslari kasbiy odob-axloq qoidalariga rioya etish, manfaatlar to'qnashuvini bartaraf qilish va korrupsiyaga qarshi kurashishning asosiy yo'nalishlari bo'yicha mustaqil o'zlashtirish orqali amalga oshiriladi.

Mashg'ulotlar jadvalida asinxron rejimdagi mashg'ulotlar va oraliq nazorat ishini bajarish kuniga 2 soatdan rejalashtiriladi.

Asinxron mashg'ulotlarda ta'lim oluvchilar Virtual akademiyaga joylashtirilgan asosiy va qo'shimcha elektron o'quv materiallarini mustaqil ravishda o'zlashtiradi va mavzular bo'yicha olgan bilimlarini tekshirish uchun nazorat ishlarini bajaradi.

15. Davlat xizmatchilariga maxsus o'quv kurslarida korrupsiyaga qarshi kurashish sohasida o'qitish quyidagi majburiy kurslar asosida olib boriladi:

ishga qabul qilinganidan so'ng uch oy ichida 36 soatdan kam bo'lmagan maxsus o'quv kursi;

har uch yilda kamida bir marta malakasi oshirilganda 12 soatdan kam bo'lmagan va 24 soatdan ko'p bo'lmagan maxsus o'quv kursi.

16. Korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tuzilmalari xodimlari uchun tashkil etiladigan maxsus o'quv kurslari 24 soatdan kam bo'lmagan va 36 soatdan ko'p bo'lmagan o'quv kursi sifatida tashkil etiladi.

Korrupsiyaviy xavf-xatarlar yuqori bo'lgan davlat xizmati lavozimlarida faoliyat ko'rsatuvchi xodimlar uchun maxsus o'quv kurslari 12 soatdan kam bo'lmagan va 24 soatdan ko'p bo'lmagan o'quv kursi sifatida tashkil etiladi.

17. Akademiya tomonidan o'quv rejalari, dasturlari, kurslari haqidagi ma'lumotlar Virtual akademiyada joylashtiriladi va ularning asosida ta'lim oluvchilarga o'quv kurslarini erkin tanlash orqali ta'lim oluvchining shaxsiy ta'lim trayektoriyasini shakllantirish imkoniyati yaratiladi.

18. Maxsus o'quv kurslari jarayonida tyutor (o'qituvchi-konsultant) tomonidan davlat organlari va tashkilotlari faoliyati, o'quv guruhi va mavzuning o'ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqib, o'qitishning zamonaviy yondashuvlari va pedagogik texnologiyalardan keng foydalaniladi.

19. Davlat organlari va tashkilotlari xodimlarini korrupsiyaga qarshi kurashish sohasida o'qitish ushbu Nizomning 1-ilovasida* keltirilgan sxema bo'yicha amalga oshiriladi.

20. Akademiya tomonidan maxsus o'quv kurslari bo'yicha Virtual akademiyaga kiritilgan o'quv-metodik materiallar, ta'lim oluvchilarning o'quv faoliyati natijalariga oid ma'lumotlar bo'yicha elektron ma'lumotlar bazasi shakllantiriladi hamda maxsus o'quv kurslarini tamomlagan shaxslarning reyestri yuritiladi.

21. Virtual akademiyada o'quv jarayoni sifatli tashkil etilishini monitoring qilib borish Agentlik tomonidan amalga oshiriladi.

22. Agentlik tomonidan Virtual akademiyada o'quv jarayoni sifatli tashkil etilishini monitoring qilishda quyidagilar o'rganiladi:

Virtual akademiyaning uzluksiz faoliyat ko'rsatishi ta'minlanayotganligi;

Virtual akademiyaning o'quv kontentlari va materiallari bilan muntazam to'ldirilayotganligi va yangilab borilayotganligi;

o'quv rejalari va dasturlari ishlab chiqilganligi, o'quv kurslari haqidagi ma'lumotlar Virtual akademiyada joylashtirilganligi;

tinglovchilarning bilimlarni o'zlashtirish natijalari, xususan kirish testlari bilan yakuniy natijalar o'rtasidagi ijobiy o'zgarishlar tahlili;

Virtual akademiyada o'qitish ta'lim oluvchilar uchun moslashtirilgan o'quv dasturlari asosida olib borilayotganligi;

* 1-Ilova «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

davlat organlari va tashkilotlari tomonidan o'z davlat xizmatchilarining Virtual akademiyada o'qitishni tashkil etish muddatlariga rioya etilayotganligi; o'quv kurslarida ishtirok etgan shaxslarning takliflari o'rganilganligi.

3-bob. Virtual akademiyada davlat xizmatchilarini o'qitishda ularning miqdorini shakllantirish

23. Agentlik tomonidan davlat xizmatchilarining miqdorini shakllantirish uchun davlat organlari va tashkilotlariga har uch yilda bir marotaba malaka oshirish muddati kelgan davlat xizmatchilarining ro'yxatini taqdim etish bo'yicha har yili avgust oyida so'rov xati bilan yozma yoki elektron shaklda murojaat qiladi.

Bunda, davlat organlari va tashkilotlari ushbu so'rov xati kelib tushgan kundan e'tiboran o'n besh kun ichida Agentlikka har uch yilda bir marotaba malaka oshirish muddati kelgan davlat xizmatchilarining ro'yxatini taqdim etadi.

24. Agentlik tomonidan korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha har uch yilda bir marotaba malakasi oshirilishi lozim bo'lgan davlat xizmatchilarining miqdori soha va tarmoqlar kesimida har yili noyabr oyiga qadar shakllantiriladi.

25. Agentlik tomonidan shakllantirilgan davlat xizmatchilarining miqdori asosida Akademiya bilan kelishilgan holda yillik o'qitish reja-grafigini har yili dekabr oyida tasdiqlaydi.

26. Davlat organlari va tashkilotlari Agentlikning so'roviga ko'ra har chorakning oxirgi oyi 25-sanasiga qadar ishga qabul qilinganiga uch oy to'lgan davlat xizmatchilari to'g'risidagi ma'lumotlarni Agentlikka taqdim etadi.

Agentlik tomonidan ishga qabul qilinganiga uch oy to'lgan davlat xizmatchilarining miqdori asosida Akademiya bilan kelishilgan holda har chorakning oxirgi oyi yakuniga qadar o'qitish reja-grafigi tasdiqlanadi.

27. Davlat organlari va tashkilotlari Virtual akademiyaning maxsus o'quv kurslarida o'z xodimlarining o'qishga qatnashishi uchun mas'ul hisoblanadi.

4-bob. Tyutor (o'qituvchi-konsultant) faoliyatini yuritish

28. Virtual akademiyada tyutor (o'qituvchi-konsultant) faoliyati Akademiya professor-o'qituvchilari va xodimlari tomonidan amalga oshiriladi. Davlat organlari va tashkilotlarining mutaxassislari ham tyutor (o'qituvchi-konsultant) faoliyatini amalga oshirishi mumkin.

29. Tyutor (o'qituvchi-konsultant) faoliyatining maqsadi — o'quv kurslarida tegishli modullar doirasida ta'lim oluvchilar o'quv faoliyatini muvofiqlashtirish, ularga metodik yordam ko'rsatish, nazorat qilish, sinov topshiriqlarini baholash hamda elektron o'quv-metodik majmualarini ishlab chiqishdan iborat.

30. Tyutorning (o'qituvchi-konsultant) vazifalari quyidagilardan iborat:

ta'lim oluvchilarning ehtiyojlari, diagnostika natijalaridan kelib chiqib, amaliyotdagi mavjud tizimli muammo va kamchiliklarni bartaraf etish va boshqa dolzarb masalalar yuzasidan majburiy va tanlov modullari o'quv-metodik materiallarini ishlab chiqish, Virtual akademiyaga joylashtirish;

ta'lim oluvchilarga modullarni tanlash orqali individual ta'lim trayektoriyasini shakllantirish va mustaqil ravishda uzluksiz ta'lim olishiga ko'maklashish;

ta'lim oluvchilarning asinxron rejimda mustaqil ta'lim olishini qo'llab-quvvatlash, o'quv faoliyatini nazorat qilish, nazorat ishlarini xolislik bilan baholash va ularga zarur hollarda asoslangan izohlar yozish.

5-bob. Maxsus o'quv kurslarida ta'lim oluvchilarning bilimlarini baholash va sertifikat berish

31. Maxsus o'quv kurslarida kirish, joriy, oraliq va yakuniy nazorat turlari o'tkaziladi.

Bunda, joriy, oraliq va yakuniy nazorat turlarida ta'lim oluvchilarning bilimlarini baholash turli xil interfaol sinovlar, muammoli vaziyatlar va boshqa topshiriqlar hamda test shaklida amalga oshiriladi.

Kirish nazorat turidan uning natijalarini yakuniy nazorat turi natijalari bilan solishtirish maqsadida foydalaniladi va nazorat turlarini umumiy hisoblashda inobatga olinmaydi.

32. Joriy nazorat maxsus o'quv kursida o'qishi rejalashtirilgan modullar bo'yicha ta'lim oluvchilarning bilim va ko'nikmalarini aniqlash maqsadida o'tkaziladi.

33. Joriy nazorat ta'lim oluvchilarning har bir mavzu bo'yicha o'zlashtirgan bilimlarini tekshirish, qayta takrorlash, mustahkamlash va xatolarini tuzatish maqsadida o'tkaziladi. Joriy nazorat turli xil interfaol sinovlar, muammoli vaziyatlar va boshqa topshiriqlardan iborat bo'lib, elektron tarzda avtomatik ravishda baholanadi.

34. Oraliq nazorat maxsus o'quv kursida o'quv dasturining tegishli (bir necha mavzularini o'z ichiga olgan) bo'limi tugaganidan keyin ta'lim oluvchining o'zlashtirgan bilim va amaliy ko'nikmasi darajasini test asosida aniqlash va baholash usuli hisoblanadi.

35. Yakuniy nazorat maxsus o'quv kursi yakuni bo'yicha nazariy bilim va amaliy ko'nikmalarining ta'lim oluvchilar tomonidan o'zlashtirish darajasini test asosida aniqlash va baholash usuli hisoblanadi.

36. Ta'lim oluvchilar maxsus o'quv kurslari mobaynidagi o'zlashtirishi 100 ballik tizim asosida baholanadi. Bunda:

joriy nazorat 25 ta turli xil interfaol sinovlar, muammoli vaziyatlar va boshqa topshiriqlar shaklida har bir to'g'ri javob uchun 1 ball va jami to'planishi mumkin bo'lgan ball 25 balni tashkil etadi;

oraliq nazorat 25 ta test savollaridan iborat bo'ladi, har bir to'g'ri javob uchun 1 ball va jami to'planishi mumkin bo'lgan ball 25 balni tashkil etadi;

yakuniy nazorat 25 ta test savollaridan iborat bo'ladi, har bir to'g'ri javob uchun 2 ball va jami to'planishi mumkin bo'lgan ball 50 balni tashkil etadi.

37. Ta'lim oluvchilarning joriy, oraliq va yakuniy nazorat turlarida to'plagan natijalari umumlashtiriladi. Bunda, ta'lim oluvchining umumiy to'plagan natijasi 56 va undan yuqori balni tashkil etgan taqdirda u maxsus o'quv kursini tugatgan deb hisoblanadi.

Joriy, oraliq va yakuniy nazorat turlari natijalari bo'yicha ta'lim oluvchi 56 baldan kam to'plagan hollarda u maxsus o'quv kursidan o'tmagan deb hisoblanadi.

38. Joriy, oraliq va yakuniy nazorat turlarini uzrli sabablarga ko'ra (kasalligi, yaqin qarindoshlarining vafoti, mehnat ta'tili, O'zbekiston Respublikasidan tashqarida bo'lishi sababli) topshira olmagan ta'lim oluvchiga ularning natijalari e'lon qilingan kundan boshlab bir oy mobaynida qayta topshirish uchun imkoniyat beriladi.

Bunda, ta'lim oluvchidan joriy, oraliq va yakuniy nazorat turlarini qayta topshirish mazkur Nizomning 4-bandida nazarda tutilgan to'lov-shartnoma qayta rasmiylashtirmagan holda amalga oshiriladi.

Joriy, oraliq va yakuniy nazorat turlarini topshira olmagan ta'lim oluvchi maxsus o'quv kursini bepul asosda qayta o'qish huquqiga ega.

39. Akademiya tomonidan ushbu Nizomning 2-ilovasiga* asosan maxsus o'quv kursini muvaffaqiyatli tamomlagan ta'lim oluvchiga elektron shakldagi sertifikat taqdim etiladi.

Sertifikatning amal qilish muddati uch yil hisoblanadi.

6-bob. Ta'lim oluvchilarning apellyatsiya shikoyatlarini ko'rib chiqish

40. Ta'lim oluvchilarning apellyatsiya shikoyatlarini ko'rib chiqish uchun Akademiya boshlig'ining buyrug'i bilan Akademiyaning kamida besh nafar mutaxassislaridan iborat tarkibda Apellyatsiya komissiyasi tashkil etiladi.

Bunda, Akademiya boshlig'ining ko'rsatmasiga asosan Apellyatsiya komissiyasi tarkibiga boshqa davlat organlari va tashkilotlaridan ham mutaxassislar jalb etilishi mumkin.

O'quv kurslarida joriy, oraliq va yakuniy nazoratni o'tkazishga mas'ul bo'lgan shaxslarning Apellyatsiya komissiyasi tarkibiga kiritilishiga yo'l qo'yilmaydi.

41. O'quv kurslarida joriy, oraliq va yakuniy nazorat natijalaridan norozi bo'lgan ta'lim oluvchilar mazkur imtihonlar natijalari e'lon qilingan kundan boshlab yetti ish kuni ichida Apellyatsiya komissiyasiga yozma yoki elektron shaklda apellyatsiya shikoyati berishlari mumkin.

Bunda, Apellyatsiya komissiyasi apellyatsiya shikoyati bilan murojaat qilgan ta'lim oluvchilarni shikoyat ko'rib chiqilishidan ikki ish kuni oldin uni ko'rib chiqish vaqti va joyi haqida ogohlantiradi.

42. Apellyatsiya komissiyasi apellyatsiya shikoyatini, u kelib tushgan kundan boshlab uch kun muddat ichida ko'rib chiqadi. Bunda, apellyatsiya shikoyati bilan murojaat qilgan ta'lim oluvchilar mazkur shikoyatni ko'rib chiqishda ishtirok etish huquqiga ega.

43. Apellyatsiya komissiyasi unda a'zolarining kamida uchdan ikki qismi ishtirok etganda vakolatli hisoblanadi. Apellyatsiya komissiyasining qarori oddiy ko'pchilik ovoz bilan qabul qilinadi va majlisda ishtirok etgan barcha a'zolar tomonidan tasdiqlanadigan bayonnoma bilan rasmiylashtiriladi.

44. Apellyatsiya komissiyasi tomonidan apellyatsiya shikoyatini ko'rib chiqish

* 2-Ilova «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

davomida ta'lim oluvchilariga uni qayta baholashga qaratilgan savollar berilishiga yo'l qo'yilmaydi.

45. Shikoyatni ko'rib chiqish natijalari bo'yicha Apellyatsiya komissiyasi tomonidan quyidagi qarorlardan biri qabul qilinadi:

joriy, oraliq va yakuniy nazorat natijalarini o'zgarishsiz qoldirish;

joriy, oraliq va yakuniy nazorat natijalariga yoki ulardan biriga o'zgartirish kiritish.

Apellyatsiya shikoyatini ko'rishda ta'lim oluvchining sinov natijasida olgan balini pasaytirishga yo'l qo'yilmaydi.

46. Apellyatsiya komissiyasi apellyatsiya shikoyati bilan murojaat qilgan ta'lim oluvchining o'z qarorini u qabul qilingan kunning o'zida ma'lum qilishi kerak.

47. Apellyatsiya komissiyasining joriy, oraliq va yakuniy nazorat natijalariga yoki ulardan birga o'zgartirish kiritish to'g'risidagi qarori asosida ta'lim oluvchiga maxsus o'quv kursini tugatganligi bo'yicha sertifikat beriladi.

48. Apellyatsiya komissiyasi qarori ustidan ta'lim oluvchi yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishi mumkin.

7-bob. To'lov-shartnoma asosida o'qitishdan tushadigan mablag'larni yo'naltirish

49. To'lov-shartnoma asosida o'qitishdan tushadigan mablag'lar Akademiya hisobvarag'ida jamlanadi va quyidagi maqsadlarga yo'naltiriladi:

Virtual akademiya faoliyatida foydalanishga oid materiallarni tayyorlash uchun buyurtmalar berish;

Virtual akademiya faoliyatini ta'minlashga mas'ul xodimlarning malakasini oshirish;

Virtual akademiyaning uzluksiz ishlashi va uning faoliyatini samarali tashkil etish bilan bog'liq xarajatlarni qoplash;

o'qitish jarayoniga tegishli xodimlar, ilmiy-pedagogik kadrlar va mutaxassislarni, shu jumladan xorijiy ekspertlarni jalb qilish bilan bog'liq xarajatlarni qoplash;

Virtual akademiya faoliyatini ta'minlashga mas'ul xodimlarni rag'batlantirish.

Bunda, o'qitishdan tushadigan mablag'lar yuqorida nazarda tutilgan xarajatlar qoplanganidan so'ng moliyaviy yilning oxirgi ish haftasida Agentlik va Akademiyaning byudjetdan tashqari jamg'armalariga teng ulushlarda taqsimlanadi.

8-bob. Yakuniy qoida

50. Ushbu Nizom talablari buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javob beradi.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRINING
BUYRUG‘I

386 Paxta tozalash ishlab chiqarishi xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarining 49-bandiga o‘zgartirish kiritish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
31-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1983-4*

O‘zbekiston Respublikasining 2024-yil 5-sentabrdagi O‘RQ–955-son “Nogironligi bo‘lgan shaxslarning huquqlari to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuniga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 10-iyundagi 29/B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1983, 2009-yil 16-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2009-y., 29-son, 341-modda) bilan tasdiqlangan Paxta tozalash ishlab chiqarishi xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarining 49-bandidagi “davlat boshqaruvi organlari” degan so‘zlar “respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Kambag‘allikni qisqartirish
va bandlik vaziri**

B. ZAXIDOV

Toshkent sh.,
2024-yil 24-oktabr,
15-2024/B-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 31-oktabrda e‘lon qilingan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

387 Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алко-
голли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тар-
тиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3566*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республи-
каси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августдаги 285-сон «Ўзбекистон
Республикаси ҳудудида тамаки маҳсулотларига ва спиртли ичимликларга
акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида»ги қарорига мувофиқ
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичим-
ликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома 1-ило-
вага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз
кучини йўқотган деб топилсин.
3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан кели-
шилган.
4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Иқтисодиёт ва молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 23 сентябрь,
178-сон

Солиқ қўмитаси раиси

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 13 сентябрь,
2024-17-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 1 ноябрда эълон қилинган.

Келишилди:

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

2024 йил 29 август

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил
23 сентябрдаги 178-сон ва Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Солиқ қўмитасининг 2024 йил
13 сентябрдаги 2024-17-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли
ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу Йўриқнома акциз маркаларини бериш, қайд этиш, сақлаш ва қайтариш, шунингдек Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудига олиб келинаётган, акциз маркалари билан мажбурий маркаланиши лозим бўлган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларнинг акциз маркалари (пиводан ташқари) билан маркаланиши устидан назорат ўрнатиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Акциз маркаларини буюртма қилиш ва
уларни бериш**

1. Акциз маркалари билан маркаланадиган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни ишлаб чиқарувчи корхоналар (бундан буён матнда ишлаб чиқарувчи корхоналар деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хузуридаги «Давлат белгиси» ДУКга (бундан буён матнда «Давлат белгиси» ДУК деб юритилади) мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклда акциз маркаларининг турлари бўйича зарур миқдорини харид қилишга (алкоголли маҳсулот бўйича истеъмол идишига қўйиладиган маҳсулотнинг ҳажмини литрда кўрсатган ҳолда) буюртманома билан мурожаат этадилар.

2. Ўзбекистон Республикасига акциз маркалари билан маркаланадиган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни олиб кирувчи импортчилар (бундан буён матнда импортчилар деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Божхона қўмитасининг (бундан буён матнда Божхона қўмитаси деб юритилади) ҳудудий органларига акциз маркаларининг турлари бўйича зарур миқдорини харид қилишга (алкоголли ичимлик бўйича — истеъмол идишига қўйиладиган маҳсулотнинг ҳажмини литрларда кўрсатган ҳолда) мазкур Йўриқноманинг 1а-иловасига мувофиқ шаклда буюртманома топширадилар. Божхона қўмитасининг ҳудудий органлари тақдим этилган буюртманомалар асосида акциз маркалари билан

маркаланадиган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлар учун акциз маркаларига йиғма буюртманома тузадилар ва ёзма шаклда Божхона қўмитасига тақдим этадилар. «Давлат белгиси» ДУКга акциз маркаларини буюртма қилиш Божхона қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Бунда, янги намунадаги акциз маркаларини харид қилиш учун «Давлат белгиси» ДУКга импорт қилувчилар мустақил равишда мурожаат қилишлари ҳам мумкин.

3. Акциз маркаларини олиш учун:

акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар «Давлат белгиси» ДУКга 3 нусхада буюртманома тақдим этадилар. Буюртманоманинг «Акциз маркалари учун ҳақ тўланган» деган штампи босилган ва «Давлат белгиси» ДУКнинг масъул шахси имзоси билан тасдиқланган биринчи ва иккинчи нусхалари ишлаб чиқарувчи корхоналарга қайтарилади;

акциз тўланадиган маҳсулот импортчилари Божхона қўмитасининг ҳудудий органларига 3 нусхада буюртманома тақдим этадилар. Буюртманоманинг Божхона қўмитаси ҳудудий органининг «Акциз маркалари учун ҳақ тўланган» деган штампи босилган ва Божхона қўмитаси ҳудудий органининг масъул ходими имзоси билан тасдиқланган биринчи ва иккинчи нусхалари импортчиларга қайтарилади.

Божхона қўмитаси ҳудудий органининг ходими маркаларни харид қилишга буюртманома қабул қилганда импортчини мазкур Йўриқномага 2-иловага кўра шаклда импортчининг коддини кўрсатган ҳолда махсус журналда рўйхатдан ўтказди.

4. Импортчилар Божхона қўмитасининг ҳудудий органларига «Давлат белгиси» ДУКнинг тегишли банк ҳисобварағига маблағлар ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатини тақдим этадилар.

Акциз маркаларини сотиб олувчи импортчининг тўлов ҳужжатида «Тўловнинг мақсади» устунда «Акциз маркалари учун тўланди» деган ёзув бўлиши керак.

5. Маркаланадиган акцизли маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчи корхоналарга акциз маркаларини бериш «Агробанк» АТБнинг минтақавий бўлинмалари томонидан буюртманома асосида амалга оширилади.

6. Акциз маркаларини «Агробанк» АТБнинг минтақавий бўлинмалари буюртманомада ишлаб чиқарувчи корхоналар бўйича «Давлат белгиси» ДУКнинг ва импортчилар бўйича Божхона қўмитаси ҳудудий органларининг белгилари қуйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлганида берадилар:

алкоғолли ичимликларни маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга — акциз маркаларининг буюртирилаётган миқдори номинал қийматининг 50 фоизи тўланганлиги тўғрисида;

тамаки маҳсулотларини маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга — акциз маркалари буюртирилаётган миқдорининг тўлиқ номинал қиймати тўланганлиги тўғрисида;

алкоғолли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини импорт қилувчиларга — акциз маркалари буюртирилаётган миқдорининг тўлиқ номинал қиймати ва акциз солиғининг бутун суммаси тўланганлиги тўғрисида.

Акциз солиғи тўланаётганида акциз маркаларининг қиймати ҳисобга киритилмайди.

Акциз маркаларининг номинал қийматини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги «Давлат белгиси» ДУКнинг ҳисоб-китоблари бўйича тасдиқлайди.

7. Ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчилар «Давлат белгиси» ДУКнинг белгиси қўйилган акциз маркаларини харид қилиш учун буюртманома билан «Агробанк» АТБнинг минтақавий бўлинмасига мурожаат қиладилар. Банк ходими ишлаб чиқарувчи корхонага ёки импортчига буюртманомада кўрсатилган миқдордаги акциз маркаларини беради ва бу ҳақда акциз маркаларини олиш буюртманомасида қайд этади. Буюртманоманинг бир нусхаси банк ходимида қолади, бошқаси эса ишлаб чиқарувчи корхонага ёки импортчига қайтарилади.

8. Акциз маркаларини «Агробанк» АТБнинг тегишли минтақавий бўлинмасигача ташиш ва уларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар акциз маркаларининг номинал қийматига киритилмайди ва ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда импортчилар томонидан устама тарзида акциз маркалари қийматидан юқори қийматда тўланади, устама миқдорини «Агробанк» АТБнинг минтақавий бўлинмалари тузилган шартномага мувофиқ мустақил равишда белгилайдилар. Устама суммаси ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда импортчилар томонидан алоҳида тўланади ва акциз маркаларини олишда «Агробанк» АТБнинг бўлимлари ҳисобварағига ўтказилади.

Ушбу харажатлар, шунингдек акциз маркаларининг номинал қиймати ва акциз товарларни маркалаш билан боғлиқ харажатлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда импортчиларнинг давр харажатларига киритилади.

9. Акциз маркаларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш БЮДни тўлдирган ҳолда амалга оширилади. Импорт қилинадиган акциз товарларни божхона расмийлаштируви ишлари учун олиб келиш импортчилар томонидан акциз маркалари сотиб олинган ва қайд этилган ҳудуддагина амалга оширилади.

10. Республикага келтирилаётган, акциз маркалари билан маркаланган акциз товарларни маркаларни импортчилар сотиб олмаган ва қайд этмаган бошқа ҳудуд орқали божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тақиқланади. Бунинг учун жавобгарлик Божхона қўмитаси ҳудудий органларининг зиммасига тушади.

2-боб. Акциз маркалари билан маркалаш тартиби

11. Акциз товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиш учун мўлжалланаётган тайёр маҳсулотларга акциз маркаларини ишлаб чиқариш жараёнида ёки корхона ҳудудининг бошқа мослаштирилган жойида маркалаш учун белгиланган технология асосида ёпиштирадилар.

12. Импорт бўйича келтирилаётган акциз товарларни акциз маркалари билан маркалаш импортчилар томонидан амалга оширилади.

13. Ўзбекистон Республикасининг акциз маркалари билан маркаланмаган акциз товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олиш ва сотиш ман этилади.

14. Қуйидаги акциз товарларни маркалаш мажбурий эмас:

республикадан ташқарига экспорт қилинаётган;

божсиз савдо қилувчи дўконлар учун республика ҳудудига келтириляётган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсатномаси бўлган тақдирда, кўргазмалар ўтказиш учун келтириляётган;

ҳалқаро транзит бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинаётган ва олиб чиқишга мўлжалланган;

жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига Ўзбекистон Республикасининг қонунда белгиланган акцизсиз олиб кириш меъёрлари доирасида келтириляётган.

15. Кўргазмалар ўтказиш учун республикага келтириляётган акциз товарлар, агар улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиладиган бўлса, кўргазмалар тугганидан сўнг Ўзбекистон Республикасининг акциз маркалари билан мажбурий тарзда маркаланади ва улар бўйича умумий белгиланган тартибда акциз солиғи тўланади.

16. Тамаки маҳсулотининг пачкаси очилган тақдирда акциз маркаси йиртилиши лозим.

Тамаки маҳсулотларининг акциз маркаси қуйидаги тарзда ёпиштирилиши керак:

1) юмшоқ пачканинг юқори томонни ёпувчи акциз маркасидаги матн ёки расм пачканинг олд томонидаги йўналишда кўриниши керак ва пачканинг ўртасида (ўнг ва чап четидан, орқа ва олд томонидан бир хил масофада) жойлаштирилган бўлиши керак. Пачка целлофан билан қопланиши кўзда тутилган бўлса, пачкага ёпиштирилган акциз маркаси устидан ўралиши лозим;

2) қопқоғи очиладиган пачкада акциз акциз маркаси орқа томонида жойлаштирилган бўлиши, бурчакни ёпиши ва пачканинг ён томонига ҳам ўтган бўлиши зарур. Пачка целлофан билан (агар шу нарса кўзда тутилган бўлса) пачкага ёпиштирилган акциз маркаси устидан ўралиши лозим;

3) конверт шаклидаги (масалан, «Саратон», «Астра», «Прима») пачкада пачка устидаги акциз маркаси очиладиган қопқоғни бирлаштириш маркази бўйлаб орқа томонида жойлаштирилиши керак, ўнг ва чап четидан, орқа ва олд томонидан бир хил масофада бўлиши лозим.

Юқорида айтиб ўтилган тартибни бузган ҳолда (масалан, целлофан плёнкани қирқиб, унинг ичига акциз маркаси ёпиштирилганда, марка целлофан устидан ёпиштирилганда, бошқа ишлаб чиқарувчилар ёки импортчиларнинг маркалари ёпиштирилганда) акциз маркалари ёпиштирилган тамаки маҳсулотлари маркаланмаган ҳисобланади ва улар белгиланган тартибда олиб қўйилади ҳамда йўқ қилинади.

17. Алкоголли ичимликларни маркалашда акциз маркаси идишнинг зич қилиб ёпиладиган қопқоқчалари (ёки полиэтилен тикинлари) устидан очи-

ладиган томонга бир меъёрда ёпишган ҳолда ва қопқоқ очилганда йиртиладиган қилиб ёпиштирилади.

18. Акциз маркаларини ёпиштиришда товардан олинганда унинг йиртилмаслигига имкон бермайдиган елимдан фойдаланиш лозим. Акциз маркаларини ёпиштириш учун қўлланиладиган елим қуриб қолмаслиги ва товардан қўчиб кетмаслиги учун юқори ва паст ҳароратларга, турли намлик даражаларига чидамли бўлиши; маркадан қайта фойдаланиш учун идишни ёки пачкани очишда шикастланган маркаларни бутун маркаларга йиғиб бўлмаслик кафолатини таъминлаши керак.

Бошқа ишлаб чиқарувчилар ёки импортчиларнинг ёхуд алкогольли ичимликлар бошқа товар гуруҳларининг акциз маркалари ёпиштирилган, идишнинг литражига мувофиқ келмайдиган, шунингдек мазкур бандда ва ушбу Йўриқноманинг 17-бандида назарда тутилган тартибни бузган ҳолда акциз маркалари ёпиштирилган алкогольли ичимликлар маркаланмаган деб ҳисобланади ва белгиланган тартибда олиб қўйилиши ҳамда йўқ қилиниши керак.

19. Ишлаб чиқарувчилар ёки импортчилар сотиб олган акциз маркаларини қайта сотиш, ўзга шахсларга бошқача шаклларда бериш ёки сотиш мумкин эмас, солиқ органи ёки Божхона қўмитаси ҳудудий органининг қайтариб бериши бундан мустасно.

3-боб. Акциз солиғини тўлаш ва бюджет билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби

20. Акцизли товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар акциз солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни қонунчиликка мувофиқ амалга оширадилар.

Импортчилар акциз солиғини импорт қилинаётган товарнинг контракт қийматидан ва белгиланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисоблайдилар ва тўлайдилар. Товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётганда акциз солиғини қайта ҳисоблаш акциз маркаларини сотиб олишда илгари тўланган акциз солиғини киритган ҳолда олиб келинаётган товарнинг божхона қийматидан келиб чиқиб амалга оширилади. Тўланган акциз солиғи фақат контракт бекор қилинганда, фойдаланилмаган (шу жумладан шикастланган) акциз маркаларини топшириш шарт билан қайтарилади.

Акциз маркалари акциз солиғи тўланганлигига далил бўлади.

21. Солиқ органлари ва Божхона қўмитасининг ҳудудий органлари акциз солиғини ҳисоблаш учун ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчилар томонидан ҳисоб-китоблар ўз вақтида топширилишини назорат қиладилар, ҳисобга оладилар ва акциз солиғи суммаларининг тушумига доир ҳисоботларни тузадилар.

4-боб. Акциз маркаларини қайд этиш, ҳисоб-китоб ва назорат қилиш тартиби

22. Қатъий ҳисоботдаги бланкалар учун бўлгани сингари акциз маркалари учун ҳам бухгалтерлик ҳисоб-китоби қоидалари қўлланилади. Акциз маркаларига ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчиларнинг кодлари ёзилади.

Алкоголли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар учун кодлар шундай маҳсулот ишлаб чиқариш ҳуқуқи учун қонунда белгиланган тартибда бериладиган лицензиялар бўлгандагина берилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига майда туркумдаги (10 минг пачка, дондан кам миқдорда) акциз товарларни олиб келаётган импортчилар учун ягона код рақамлари — тамаки маҳсулотлари учун IM 9898 ва алкоголли ичимликлар учун IM 98098 рақамлари берилади.

23. Акциз маркаларининг сақланиши ва улардан мақсад бўйича фойдаланилиши учун масъулият акциз товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчилар зиммасига юкланади.

24. Акциз маркалари хизматлар ва ташиш харажатлари учун банк устасини ҳисобга олмаган ҳолда номинал қиймат бўйича ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчилар томонидан ҳисобга олинади.

25. Солиқ органи (солиқ тўловчининг ҳисобга олинган солиқ органи) (кейинги ўринларда солиқ органи) ва Божхона қўмитасининг ҳудудий органи бошлигининг буйруқлари билан акциз маркаларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш учун жавобгар шахс тайинланади. Акциз маркаларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш уларнинг сони ва қиймати бўйича юритилади.

26. Акциз товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчилар ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 5 санасидан кечиктирмай мазкур йўриқномага 3-иловага мувофиқ акциз маркаларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни солиқ органига ёки Божхона қўмитасининг ҳудудий органига тақдим этадилар.

27. Солиқ органи ва Божхона қўмитасининг ҳудудий органлари акциз маркаларидан тўғри фойдаланилиши ва уларнинг рўйхатдан чиқариб ташланиши устидан доимий назоратни амалга оширишлари керак.

28. Солиқ органлари ва Божхона қўмитасининг ҳудудий органлари ўтган ойдан кейинги ойнинг ҳар биринчи кунда «Агробанк» АТБнинг минтақавий бўлинмаларида ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчилар томонидан берилган (сотилган) акциз маркаларининг миқдорини солиштирадилар.

29. Солиқ органлари ҳар чоракда, ўтган чоракдан кейинги ойнинг ҳар 10-кунда жорий чоракнинг биринчи кундаги ҳолатига кўра акциз маркаларининг акциз товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар бўйлаб ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни Солиқ қўмитасига тақдим этадилар. Божхона қўмитасининг ҳудудий органлари ҳам худди шу тартибда импортчилар бўйича Божхона қўмитасига ҳисобот тақдим этадилар. Мазкур ҳисоботлар 4-иловадаги шакл бўйича топширилади.

30. Акциз маркаларининг тушуми ва ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчиларга берилишини ҳисобга олиш тартиби «Агробанк» АТБнинг минтақавий бўлинмаларида «Агробанк» АТБ томонидан белгиланади.

Қопқоғи очилмаган идишлардаги ёки пачкадаги акциз маркаларининг сони ишлаб чиқарувчиларда ёки импортчиларда шубҳа уйғотса, уларни текшириш «Давлат белгиси» ДУК ва «Агробанк» АТБнинг минтақавий бўлинмалари вакилларининг мажбурий ҳозирлигида амалга оширилади. «Агробанк»

АТБнинг минтақавий бўлинмалари ишлаб чиқарувчиларга ёки импортчиларга топширилгунга қадар, шунингдек «Давлат белгиси» ДУК акциз маркаларини банкларга топширгунга қадар уларнинг йиртилмасдан сақланишини таъминлашлари шарт.

5-боб. Ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчиларнинг акциз маркаларини ҳисобга олишлари ва сақлашлари

31. Акциз товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки импортчилар акциз маркаларининг тўғри ҳисобга олинишини, улардан фойдаланилишини (миқдори ва қиймати бўйича), йиртилган маркаларни белгиланган тартибда рўйхатдан чиқариб ташлашга қадар сақланишини таъминлашлари, уларнинг назоратдан чиқиб кетишига йўл қўймасликлари керак.

Сотиб олинган акциз маркалари номинал қиймати бўйича «Қатъий ҳисобот бланкалари» 006-баланс ҳисобварағига кирим қилинади. Маркаларнинг сарфланиши ва кирим қилиниши қатъий ҳисобот бланкалари учун бўлганидек тартибда олиб борилади.

Акциз товарларни бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчи ишлаб чиқариш корхоналари ишлаб чиқарилаётган ва импорт қилинаётган маҳсулотлар бўйича акциз маркаларининг ҳаракатини алоҳида қайд этиб боришлари керак.

Шу мақсадда ишлаб чиқариш ҳамда импорт қилувчи корхоналар махсус буйруқ чиқарадилар ва унда моддий жавобгар шахс ҳамда акциз маркаларини сақлаш ва сарфлаш қоидалари белгилаб берилади.

6-боб. Акциз маркаларини ҳисобдан чиқариш ва қайтариш тартиби

32. Акциз товарларни маркалаётганда акциз маркалари йиртилиб кетган тақдирда тайёрловчи корхоналар (импортчилар) барча йиртилиб кетган маркаларни солиқ органига ёки Божхона қўмитасининг ҳудудий органларига топширишлари, бунда йиртилган акциз маркаларини йўқ қилиб юбориш учун қабул қилишни сўраб ариза беришлари керак.

33. Йиртилган акциз маркалари қуйидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда алоҳида варақларга 10 тадан ёпиштирилиши керак:

акциз маркаларини ёпиштириш бурмаларсиз ва ғадир-будирликларсиз амалга оширилиши лозим;

маркалар шундай ёпиштирилиши керакки, марканинг марказий қисми ва рақамли реквизитлар аниқ кўриниб туриши лозим;

маркалар йиртилганда унинг айрим қисмлари бирлаштирилиши керак;

қайтариб юборилаётган ҳар бир йиртилган марканинг умумий қисми унинг дастлабки ўлчовининг камида 2/3 қисмини ташкил этиши керак.

34. Ишлаб чиқарувчи корхоналарга (импорт қилувчиларга) йиртилган акциз маркалари бўйича уларнинг номинал қиймати қайтарилмайди, йиртилганлари ўрнига янги маркалар берилмайди. Зарарлар корхона (импорт қилувчи) фаолиятининг натижаларига киритилади.

35. Солиқ органи ёки Божхона қўмитаси ҳудудий органининг акциз маркалари билан ишлаш вазифаси юклатилган мансабдор шахси ишлаб чиқарувчи корхона ёки импортчининг акциз маркалари учун моддий жавобгар шахси иштирокида йиртилган маркаларни рўйхатдан чиқариш (йўқ қилиш) учун 2 нусхада далолатнома тузади, унга ўзи имзо чекади ва Солиқ органининг ёки Божхона қўмитаси ҳудудий органининг раҳбариятига йўқ қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун тақдим этади. Йўқ қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин далолатноманинг бир нусхаси ишлаб чиқарувчи корхонага ёки импортчига топширилади, сўнг эса ҳисобот бўйича рўйхатдан чиқарилади.

36. Рўйхатдан чиқарилган акциз маркаларини йўқ қилиш солиқ органининг ёки Божхона қўмитаси ҳудудий органи бошлиғининг буйруғи билан тайинланадиган, камида уч кишидан иборат комиссияси (комиссия таркибига солиқ органининг ходими ҳам киритилади) томонидан махсус машиналарда ёқиб юбориш ёки майдалаб ташлаш билан амалга оширилади ва бу ҳақда далолатномага тегишли ёзув ёзилади ва у комиссия аъзолари томонидан имзоланади.

37. Фойдаланилмаган акциз маркаларини қайтариш акциз товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан юридик шахс сифатида фаолият тўхтатилганда, банкрот бўлганда, лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилган ёки тугатилган ёхуд ишлаб чиқарувчи корхонанинг тегишли маҳсулотни ишлаб чиқаришга лицензиясининг амал қилиши бекор қилинганда ёки импортчи томонидан контракт бекор қилинганда ва акциз маркалари давлат стандартлари талабларига номувофиқ келганда амалга оширилиши мумкин. Бунда акциз маркаларини тайёрлаш бўйича давлат стандартлари талаблари бузилган тақдирда жавобгарлик «Давлат белгиси» ДУК зиммасига юклатилади ва қайтарилган акциз маркаларининг номинал қиймати унинг хўжалик фаолияти натижаларига киритилади.

Фойдаланилмаган акциз маркаларини қайтариш учун ишлаб чиқарувчи корхона ёки импортчи солиқ органининг ёки Божхона қўмитаси ҳудудий органининг бошлиғи номига ариза беради ва унда қайтариш сабабларини, шунингдек акциз маркаларининг сони ва турларини кўрсатади.

Акциз маркаларини қайтариш солиқ органи ёки Божхона қўмитаси ҳудудий органи томонидан ёзиб бериладиган қайтариш тўғрисидаги квитанцияга мувофиқ (4-илова) улар илгари сотиб олинган «Агробанк» АТБнинг минтақавий бўлимида амалга оширилади. Қайтариш тўғрисидаги квитанция 3 нусхада ёзилади, бир нусхаси солиқ органига ёки Божхона қўмитасининг ҳудудий органида қолдирилади, иккинчи нусхаси акциз маркалари билан бирга банкка топширилади ва учинчи нусха ишлаб чиқарувчи корхонада, импортчида сақланади. Ишлаб чиқарувчи корхона, импортчи акциз маркаларини банк қабул қилганидан сўнг бу ҳақда солиқ органи ёки Божхона қўмитасининг ҳудудий органига қайд этиш учун хабар қилиши лозим. Юридик шахс сифатида ўз фаолиятини тўхтатган ёки контрактни бекор қилган банкрот бўлган ишлаб чиқарувчи корхонага ёки импортчига, шунингдек тегишли маҳсулотни ишлаб чиқаришга лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилган ёки туга-

тилган ёхуд лицензияси бекор қилинган ишлаб чиқарувчи корхонага топширилган акциз маркаларининг номинал қиймати қайтарилмайди.

Ностандарт акциз маркаларини сотиб олган ва уларни «Агробанк» АТБнинг бўлинмаларига қайтарган ишлаб чиқарувчи корхоналарга ёки импортчиларга тегишли миқдорда янги акциз маркалари берилади.

«Агробанк» АТБ ностандарт, шунингдек буюртирилган миқдордан ортиқча олинган акциз маркаларини йўқ қилиб ташлаш учун «Давлат белгиси» ДУКга қайтаради ва бу ҳақда Солиқ қўмитасига ва Божхона қўмитасига хабар қилади. «Давлат белгиси» ДУК янги маркаларни бериш орқали топширилган ностандарт акциз маркаларини «Агробанк» АТБга беради. Бунда ишлаб чиқарувчи корхоналарга ёки импортчиларга қопланган акциз маркалари текинга, «Давлат белгиси» ДУК ҳисобидан берилади.

38. «Агробанк» АТБнинг минтақавий бўлинмалари харидорлар топширган акциз маркалари миқдорини уларнинг турларига кўра кирим қилишлари ва уларни йўқ қилиб юборишга тайёрлашлари шарт.

Кирим қилинган акциз маркалари «Агробанк» АТБнинг минтақавий бўлинмаларида мазкур банднинг биринчи хатбошисида ва 39-бандда кўзда тутилган тартибда йўқ қилинади. Комиссия таркибига банк вакили ҳам киритилади.

7-боб. Акциз товарларни акциз маркалари билан маркалаш учун жавобгарлик

39. Ўзбекистон Республикасининг акциз маркалари билан маркаланиши лозим бўлган ишлаб чиқарилаётган ва импорт қилинаётган акциз товарларни маркалаш учун жавобгарлик ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчилар зиммасига тушади.

40. Ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотилаётган ва унинг ҳудудига олиб келинаётган акциз товарларни мажбурий маркалашни таъминлашлари шарт.

41. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маркаланиши лозим бўлган акциз товарларнинг уларга акциз маркаларини ёпиштирмай оборотга киритилиши тақиқланган.

42. Ушбу Йўриқноманинг талаблари бузилишига йўл қўйган хўжалик юритувчи субъектлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунига мувофиқ жавобгар бўладилар.

9-боб. Акциз маркаларининг турлари ва белгилари

43. Акциз маркалари ишлаб чиқарилаётган ва импорт қилинаётган акцизли товарларнинг турларига қараб қуйидаги турларга бўлинадилар:

Акциз тўланадиган товарлар	Ҳарфли белги	Кодли белги
ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИ		
Импорт қилинган:		
IMPORT, TAMAKI MAHSULOTLARI	IM	Импорт қилувчининг коди
IMPORT, TAMAKI MAHSULOTLARI	IM	9898
Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган:		
TAMAKI MAHSULOTLARI	O'Z	Корхона коди
АЛКОГОЛЛИ ИЧИМЛИКЛАР		
Импорт қилинган:		
IMPORT, AROQ	IM	Импорт қилувчининг коди
IMPORT, AROQ	IM	98098
IMPORT, KONYAK	IM	Импорт қилувчининг коди
IMPORT, KONYAK	IM	98098
IMPORT, VINO	IM	Импорт қилувчининг коди
IMPORT, VINO	IM	98098
IMPORT, SPIRTLII ICHIMLIKLAR	IM	Импорт қилувчининг коди
IMPORT, SPIRTLII ICHIMLIKLAR	IM	98098
Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган:		
AROQ	O'Z	Корхона коди
KONYAK	O'Z	Корхона коди
VINO	O'Z	Корхона коди
SPIRTLII ICHIMLIKLAR	O'Z	Корхона коди

Акциз маркаларида ёзилган ҳарфий ва рақамли белгиларнинг таърифи:

IM — маҳсулот импорт бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинган;

O'Z — маҳсулот Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ишлаб чиқарилган;

98 — иккита биринчи белги — акциз маркази босиб чиқарилган йилнинг иккита охири рақамлари;

01 ёки 001 — иккита ёки учта кейинги белгилар — тегишинча тамаки ёки алкогольли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарга (импортчиларга) бериладиган код рақамлари;

акциз маркаларидаги 4 та рақамли белги тамаки маҳсулотини англатади;

акциз маркаларидаги 5 та рақамли белги алкогольли маҳсулотни англатади;

98 билан тугайдиган сўнги рақамлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига майда туркумдаги акцизли товарлар келтирилганлигини англатади.

Алкоголли маҳсулот учун акциз маркаларида алкогольли ичимлик қўйиладиган истеъмол идишининг ҳажмини литрларда билдирадиган қўйидаги ёзувлар қайд этилади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт бўйича олиб кирилганда: «0,1 L gacha», «0,11 L dan 0,25 L gacha», «0,26 L dan 0,37 L gacha», «0,38 L dan 0,5 L gacha», «0,51 L dan 0,75 L gacha», «0,76 L va yuqori»;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилганда: «0,05 L», «0,1 L», «0,2 L», «0,25 L», «0,375 L», «0,45 L», «0,5 L», «0,7 L», «0,75 L», «1,0 L», «1,5 L», «1,75 L», «3 L».

Ўзбекистон Республикасида
тамаки маҳсулотлари ва алкогольли
ичимликларига акциз маркаларини қўллаш
тартиби тўғрисида йўриқнома
1-ИЛОВА

«Давлат белгиси» ДУКнинг
директорига

(Ф.И.О.)

20__ й. «__» _____ да _____-сон
билан рўйхатга олинган

Акциз маркаларини харид қилишга БУЮРТМАНОМА

(ташкilotнинг тўлиқ номи, манзили, банк реквизитлари)

----- акциз маркаларини қўйидаги миқдорда босиб
чиқаришингизни сўрайди:

_____ сўмлик _____ дона/литр* миқдоридаги _____,
(марка тури)

_____ сўмлик _____ дона/литр* миқдоридаги _____,
(марка тури)

_____ сўмлик _____ дона/литр* миқдоридаги _____,
(марка тури)

_____ сўмлик _____ дона/литр* миқдоридаги _____,
(марка тури)

Умумий миқдори _____ сўмлик.
(сўз билан)

Кўрсатилган миқдордаги акциз маркалари _____
_____ ни маркалаш учун зарур.

(товар номи, шисшалар, сигарет пачкалари сони)

Акциз маркаларини харид қилиш учун _____ ҳисоб
рақамига пул маблағи ўтказилган.

20__ й. «__» _____ даги _____ сўмлик тўлов ҳуж-
жати.

Ташкilot раҳбари _____
(Ф.И.О., имзо)

М.Ў.
(муҳр мавжуд бўлганда)

Бош бухгалтер _____
(Ф.И.О., имзо)

«Давлат белгиси» ДУКнинг тегишли банк ҳисоб рақамига маблағ ўтказилгани тўғрисидаги белгиси, масъул шахс имзоси, сана, муҳр.

Акциз маркаларини берган банк ходимининг имзоси ва штамп белгиси

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

20__ й. «__» _____даги _____-сон ишончнома.

Паспорт серияси _____ № _____, _____ томонидан берилган.

Олинди _____ (акциз маркаларини олувчининг лавозими, исми-шарифи)

20__ й. «__» _____да олдим.

Имзо _____ (акциз маркаларини олувчининг имзоси)

* *кераклигининг тагига чизилсин.*

Ўзбекистон Республикасида
тамаки маҳсулотлари ва алкогольли
ичимликларига акциз маркаларини қўллаш
тартиби тўғрисида йўриқнома
1а-ИЛОВА

_____ бошлиғига
(БҚ хуудий органининг номи)

20__ й. «__» _____ да
_____ -сон билан рўйхатга олинган
(БҚ хуудий органи томонидан тўлдирилади)

Акциз маркаларини харид қилишга БУЮРТМАНОМА

_____ (ташкilotнинг тўлиқ номи, манзили, банк реквизитлари)

_____ қўйидаги миқдорда акциз маркаларини буюрти-
ришни сўрайди:

_____ сўмлик _____ дона/литр* миқдоридаги _____,
(марка тури)

_____ сўмлик _____ дона/литр* миқдоридаги _____,
(марка тури)

_____ сўмлик _____ дона/литр* миқдоридаги _____,
(марка тури)

_____ сўмлик _____ дона/литр* миқдоридаги _____,
(марка тури)

Умумий миқдори _____ сўмлик.
(сўз билан)

Кўрсатилган миқдордаги акциз маркалари _____
_____ ни маркалаш учун зарур.

(товар номи, шишалар, сигарет пачкалари сони)

Акциз маркаларини харид қилиш учун _____ ҳисоб
рақамига пул маблағи ўтказилган.

20__ й. «__» _____ даги _____ сўмлик тўлов ҳужжати.
Импорт қилинаётган товарлар бўйича акциз солиғи
_____ сўм миқдорида _____ ҳисоб
рақамига тўланган, 20__ й. «__» _____ даги _____ -сон
тўлов ҳужжати.

Ташкilot раҳбари _____
(Ф.И.О., имзо)

М.Ў.
(муҳр мавжуд бўлганда)

Бош бухгалтер _____
(Ф.И.О., имзо)

Акциз маркаларини берган банк ходимининг имзоси ва штамп белгиси
Божхона қўмитаси ҳудудий органининг «Давлат белгиси» ДУКнинг те-
гишли банк ҳисоб рақамига маблағ ўтказилганлиги тўғрисидаги белгиси,
масъул шахс имзоси, сана, муҳр.

Акциз маркаларини берган банк ходимининг имзоси ва штамп белгиси

(фамилияси, исми, отасининг исми)

20__ й. «__» _____ даги _____-сон ишончнома.

Паспорт серияси _____ № _____, _____ томонидан берил-
ган.

Олинди _____

(акциз маркаларини олувчининг лавозими, исми-шарифи)

20__ й. «__» _____ да олдим.

* *кераклигининг тагига чизилсин.*

Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва
алкоголли ичимликларига акциз маркаларини қўллаш
тартиби тўғрисида йўриқнома
2-ИЛОВА

**Акциз маркалари билан маркаланиши лозим бўлган акциз тўланадиган товарлар
импортчиларини қайд этиш
ЖУРНАЛИ**

Т/р	Импорт қилувчи номи	Марка сотиб олиш учун буюртма берилган сана ва рўйхат рақами	Буюртирилган акциз маркалари		Импорт қилувчи коди	Акциз маркаси ҳақи тўланганлиги тўлов ҳужжати рақами ва санаси	Акциз маркалари учун тўлов суммаси, минг сўмда	«Давлат белгиси» ДУКнинг тегишли банк ҳисобварағига пул маблағлари ўтказилган сана
			марка тури	сони				
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва
алкоголли ичимликларига акциз маркаларини қўллаш
тартиби тўғрисида йўриқнома
3-ИЛОВА

Тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар бўйича акциз маркаларининг ҳаракати тўғрисида ҲИСОБОТ

_____ (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) бўйича

(ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки импортчилар номи)

20____ оyi учун аниқ кўрсатилиши керак

Марка турлари	Ҳисобот даври бошидаги қолдиқ		Ҳисобот даврида тушди		Ҳисобот даврида ҳаражат қилинди		Ҳисобот даврида зарарланди ва ҳисобдан чиқарилди		Ҳисобот даври охирдаги қолдиқ	
	сана дона	сўмлардаги номинал қиймат	сана дона	сўмлардаги номинал қиймат	сана дона	сўмлардаги номинал қиймат	сана дона	сўмлардаги номинал қиймат	сана дона	сўмлардаги номинал қиймат
1	2	3	4	4	5	6	7	8	9	10

Изоҳ:

Солиқ ва божхона ҳудудий органларида ҳисобга олиш ва ҳисобот ҳар ойда маҳсулоти акциз маркалари билан маркаланадиган ҳар бир ишлаб чиқарувчи (импортчи) бўйича олиб борилади.

Акциз маркаларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот Солиқ қўмитасига ва Божхона қўмитасига ушбу Йўриқноманинг 35-бандига мувофиқ (ҳар чоракда) тақдим этилади.

Қўшимча маълумотлар асосида заруратга кўра, қўшимча устунлар билан тўldirilishi мумкин.

Ўзбекистон Республикасида
тамаки маҳсулотлари ва алкогольли
ичимликларига акциз маркаларини қўллаш
тартиби тўғрисида йўриқнома
4-ИЛОВА

(солиқ ёки божхона ҳудудий органининг номи кўрсатилади)

Акциз маркаларини қайтариш КВИТАНЦИЯСИ

(ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи ташкилотнинг тўлиқ номи, манзили, банк реквизитлари)

20__ йил _____ даги _____-сон рўйхат рақами
(солиқ ёки божхона ҳудудий органи томонидан тўлдирилади)

(банк номи)

_____ дона миқдорида _____ сўмга,
(марка тури)

_____ дона миқдорида _____ сўмга,
(марка тури)

_____ дона миқдорида _____ сўмга,
(марка тури)

_____ дона миқдорида _____ сўмга,
(марка тури)

_____ дона миқдорида _____ сўмга,
(марка тури)

_____ дона миқдорида _____ сўмга,
(марка тури)

Жами _____ сўм
(сўз билан)

Акциз маркаларини қабул қилган банк ходимининг имзоси

(исми шарифи аниқ кўрсатилади)

Штамп белгиси

Акциз маркаларини топширган шахс имзоси

(исми шарифи аниқ кўрсатилади)

М.Ў.

*Солиқ ёки божхона ҳудудий
органининг муҳри,
масъул шахснинг имзоси,
сана*

М.Ў.

*(муҳр мавжуд бўлганда)
олувчи ташкилотнинг муҳри,
раҳбар имзоси,
сана*

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил
23 сентябрдаги 178-сон ва Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Солиқ қўмитасининг 2024 йил
13 сентябрдаги 2024-17-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Давлат солиқ қўмитасининг, Давлат божхона қўмитасининг 1998 йил 10 декабрдаги 04-02-05/809-сон, 1998 йил 10 декабрдаги 98-156-сон, 1998 йил 6 декабрдаги 02/8-42-сон «Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларига акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисида йўриқнома» (рўйхат рақами 589, 1999 йил 7 январ) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 й., 2-сон, 2000 й. 16-сон, 2003 й., 21-22-сон; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 7-8-сон, 74-модда, 2009 й., 13-сон, 2011 й., 148-сон, 13-сон, 2011 йил, 12-13-сон, м. 128-сон, 51-модда. 548; 2013 йил, № 2, м. 28; 2017 йил, 12-сон, м. 190-сон, 37-модда. 1019).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Давлат солиқ қўмитасининг, Давлат божхона қўмитасининг 2000 йил 24 июлдаги 82-сон, 2000 йил 6 июлдаги 2000-49-сон, 2000 йил 19 июлдаги 2/8-46-сон «Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларига акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 1-сон ўзгартириш»ги ўзгартиришлар ва қўшимчалари (рўйхат рақами 589-1, 2000 йил 30 август) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 16-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Давлат солиқ қўмитасининг, Давлат божхона қўмитасининг 2003 йил 14 ноябрдаги 110-сон, 2003-69-сон ва 01-02/8-38-сон «Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларига акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 589-2, 2003 йил 27 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 21-22-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Давлат солиқ қўмитасининг, Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 8 январдаги 4-сон, 2007-02-сон ва 01-02/8-2-сон «Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларига акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 589-3, 2007 йил 13 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 7-8-сон, 74-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Давлат солиқ қўми-

тасининг, Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 13 мартдаги 33-сон, 2009-15-сон ва 01-02/8-6-сон «Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларига акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 589-4, 2009 йил 20 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 13-сон, 148-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Давлат солиқ қўмитасининг, Давлат божхона қўмитасининг 2011 йил 14 мартдаги 22-сон, 2011-11-сон ва 01-02/8-2-сон «Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларига акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 589-5, 2011 йил 29 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 12-13-сон, 128-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Давлат солиқ қўмитасининг, Давлат божхона қўмитасининг 2011 йил 29 ноябрдаги 73-сон, 2011-32-сон ва 01-02/8-23-сон «Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларига акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 589-6, 2011 йил 21 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 51-сон, 548-модда).

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Давлат солиқ қўмитасининг, Давлат божхона қўмитасининг 2012 йил 12 декабрь 88-сон, 2012-34-сон ва 01-02/8-34-сон «Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларига акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 589-7, 2013 йил 9 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 2-сон, 28-модда).

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Давлат солиқ қўмитасининг, Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 16 март 28-сон, 2017-12-сон ва 01-02/8-14-сон «Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларига акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 589-8, 2017 йил 23 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 12-сон, 190-модда).

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Давлат солиқ қўмитасининг, Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 29 август 129-сон, 2017-47-сон ва 01-02/8-36-сон «Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларига акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 589-9, 2017 йил 12 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 1019-модда).

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. O‘zbekiston Respublikasi Korruptsiyaga qarshi kurashish agentligining 2024-yil 30-sentabrdagi 6-son, Bosh prokuraturasining 2024 йил 27-sentabrdagi 55-QQ-son “Korruptsiyaga qarshi kurashish virtual akademiyasi” elektron platformasida o‘qitishni tashkil etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori.

2024-yil 30-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3565.

2. O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2024-yil 24-oktabrdagi 15-2024/B-son “Paxta tozalash ishlab chiqarishi xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarining 49-bandiga o‘zgartirish kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2024-yil 31-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1983-4.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил 23 сентябрдаги 178-сон, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг 2024 йил 13 сентябрдаги 2024-17-сон “Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

2024 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3566.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Давлат солиқ қўмитасининг, Давлат божхона қўмитасининг 1998 йил 10 декабрдаги 04-02-05/809-сон, 1998 йил 10 декабрдаги 98-156-сон, 1998 йил 6 декабрдаги 02/8-42-сон «Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларига акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисида йўриқнома» (рўйхат рақами 589, 1999 йил 7 январ), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 589-1, 2000 йил 30 август), (рўйхат рақами 589-2, 2003 йил 27 ноябрь), (рўйхат рақами 589-3, 2007 йил 13 февраль), (рўйхат рақами 589-4, 2009 йил 20 март), (рўйхат рақами 589-5, 2011 йил 29 март), (рўйхат рақами 589-6, 2011 йил 21 декабрь), (рўйхат рақами 589-7, 2013 йил

9 январь), (рўйхат рақами 589-8, 2017 йил 23 март), (рўйхат рақами 589-9, 2017 йил 12 сентябрь).

2024 йил 31 октябрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

